

Боқий фикр
Тинчлик,
барқарорлик,
хамкорлик —
Ўзбекистон
давлатининг урта
устунидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 15-oktabr, chorshanba № 83 (8732)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

1941–1945 йиллардаги УРУШ ВА МЕХНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2015 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул мuddатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Белгилаб қўйилсинки, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2015 йил ва ундан кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштиришга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси:

бир ҳафта мuddатда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муас-

сасаларининг рўйхатини аниқлаштирсинлар;

санаторий-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, ўз қарамоғида санаторий-соғломлаштириш муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар:

бир ой мuddатда 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ўз қарамоғидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, унда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун йўлланмалар қийматини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига белгиланган нархларда тўлаш тартибини назарда тутсинлар;

Низом тасдиқлангандан кейин 10 кун мобайнида уни вазирликлар ва идоралар хайъатларида, компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналарнинг бошқаруви йиғилишларида кўриб чиқсинлар;

кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда ушбу Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 13 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис!
Ҳурматли давлат раҳбарлари!

МДХ давлат раҳбарларини қутлаш, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Учрашувимиз, бу ерда таъкидланганидек, халқаро вазият шиддат билан ўзгараётган, геосийсий кескинлик ва сиёсий қарама-қаршилиқлар авж олаётган, қачон тугаши ёки пасайиши номаълум бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, диний фанатизм радикаллашаётган ва фаллашаётган, яқин ва узоқ мамлакатларда зиддиятли вазиятлар кескинлашиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Кенг тарқалаётган зўравонлик, терроризм, экстремизм ва наркотрафик-

нинг реал таҳдидлари кучайиб, айрим мамлакатлардаги вазиятни ўта чигаллаштириб, юзага келган қарама-қаршилиқларни хунрезликка айлантираётган ва ўзини назорат қила олмай қолган баъзи сиёсатчи ва сиёсатдонларнинг, айниқса, телеканаллар орқали агрессив давлатлар билан чиқаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Юзага келаётган таҳликали вазиятни тўғри баҳоламаслик қандай фожияли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, Афғонистонда қарийб 35 йилдан буён давом этаётган биродарқушлиқ уруши миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна миллионлаб инсонларни қочқинга айлантирди. Мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқариб, вайронагарчиликка олиб келди. Бугун шундай бир авлод вояга етдики,

улар қурол тутиш ва ундан фойдаланишдан бошқа ҳеч нарса билмайди. Бу мамлакатни босиб олиш осон эмаслиги азалдан маълум эди. Бунга Афғонистон тарихидан қўллаб-қувватлаш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисоллар келтириш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисолларни яхши биламиз ва шунга қатъий ишонамизки, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонимизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий қучлар вакилларида иборат янги ҳукумат қанчалик тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

(Давоми 2-бетда.)

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

2014 йилнинг
19 сентябрь –
4 октябрь кунлари
Жанубий
Кореянинг Инчон
шаҳрида
ўтказилган
XVII Осий ўйинларида
спортчиларимиз
9 олтин,
14 кумуш ва
21 бронза медални,
жамоавий баҳслар
ҳисобга олинганда
жами
12 олтин,
14 кумуш ва
35 бронза медални
қўлга киритиб,
Ватанимизнинг
халқаро миқёсдаги
шон-шухратини
янада юксалтиришга,
халқимизнинг
қудратини
салоҳиятини
намоён этишга
муносиб
ҳисса қўшди.



Osiyo o'yinlari — 2014

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 8 октябрдаги фармойишига мувофиқ Осий ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейида XVII Осий ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда

барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi, ўсиб келаётган ёш авлодни барқарор инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омили бўлаётгани таъкидланди. Қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марраларимиз халқимизнинг гурур-ифтихорини юксалтирмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Украина масаласига келсак, бизнингча, юзага келган муаммоларни ҳал этиш усули сифатида куч ишлатишдан воз кечиш, фақат халқаро ҳуқуқнинг муҳим нормаларига ва БМТ Низомига асосланган сиёсий воситалардан фойдаланиш, томонларнинг ўт очишни тўхтатиш ва ярашиш бўйича Минск келишувини сўзда эмас, амалда тўла бажариши Украинада тинчлик ўрнатиш бўйича муокаралар жараёни учун зарур шароит яратиши мумкин.

Афсуски, бу борада кўзда тутилган ва муокара жараёнларига ёрдам берадиган жиддий сиёсий масалалар муҳокамаси ҳамон бошлангани йўқ.

МДХ давлат раҳбарларининг бугунги учрашувига бевосита талалукли бўлган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Икки кун аввал бизнинг учрашувимизда Украина президенти жаноб П.Порошенко иштирок этиши ҳақидаги хабар муҳим янгилик сифатида тарқатилди. Бироқ, кеча кечқурун жаноб П.Порошенко учрашувга келмаслиги, унинг режалари ўзгариб қолгани хабар қилинди. Бизнингча, бундай қарорни маъқуллаб бўлмайди. Салкам бир йилдириқ, Украинадаги қарама-қаршиликлар энг долзарб муаммолардан бири сифатида бутун дунёда, жумладан, собиқ иттифоқ ҳудудида муҳокама этиб келинмоқда. Дарвоқе, бугун энг чекка туманлар, қишлоқлар аҳолиси ҳам Украинада қандай воқеалар рўй бераётганини телевидение орқали кўриб, билиб турибди. Бундай шароитда ушбу воқеаларга лоқайд қарайдиган одам бўлмас керак. Украинада нималар юз бераётгани ва булар қандай бошланганидан деярли барча яхши хабардор. Ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги зиддиятлар қачон ва қандай тугашини ҳамма кутмоқ-

да. Бинобарин, бу муаммо имкон қадар тезроқ ўз ечимини топиши даркор.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: МДХ давлат раҳбарларидан қайси биримиз жаноб П.Порошенко билан юзма-юз учрашдик? Фақат айримларгина. Ўтган вақт мобайнида П.Порошенко Европанинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, Брюсселда, бошқа давлатларда бўлди.

Ҳолбуки, у МДХнинг бугунги саммити мажлисида иштирок этиб, имкониятдан фойдаланиши мумкин эди. Дарвоқе, Украина ҳали МДХ таркибидан чиққани йўқ. Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, жаноб П.Порошенко иккилик турибди ва МДХдан чиқиш фойдаи ёки зарарми эканлигини ўзига аниқ тасаввур қила олмаяпти. Энг муҳими, у бугунги мажлисда иштирок этиб, ўз фикрини баён қилганида, Украина муаммосини ҳал этиш борасида биз учун аниқлик киритилган бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Хурматли дўстлар!

Бугунги мажлисимиз раиси Александр Григорьевич Лукашенко ўз нутқининг пировардида МДХни янада ривожлантириш истиқболларини ошқора муҳокама қилиш вақти келганини таъкидлади.

Биз учун МДХнинг аҳамияти, барчамизнинг манфаатларимиз ҳисобга олинган ҳолда, шериклар билан ўзаро фойдали ва серқирра ҳамкорлики янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимиз аниқ ва равшан.

Ҳамдўстлик — бу амалдаги мустақам шартномавий-ҳуқуқий базага эга, пухта ишлаб чиқилган восита ва механизмлари асосида бевосита халқаро мулоқот, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги мунозара ва турлича қарашларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар тақдим этиладиган тузилмадир.

МДХ мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш, террористик ва экстремистик ҳаракатларнинг вақтида олдини олиш, уларга қарши курашиш ва бартараф этиш, энг муҳими, собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилишига кўмаклашиш бўйича мақбул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Бугун ушбу ҳудудда ўзининг эртанги кунини МДХнинг шартномавий базаси яратган мулоқотсиз тасаввур қила оладиган мамлакат кам. Ҳатто Грузия ҳам жиддий хатога йўл қўйганини бугун тушуниб етмоқда.

МДХ маконида барқарор тараққиётни таъминлаш, биринчи навбатда, ўзимизга, яъни Ҳамдўстлик давлатларига боғлиқ. Бу борада мен барча яқин ва узоқ қўшнилари билан бир-биримизни тушуниш, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, ўз жамиятимизни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш зарурлигини назарда тутмоқдам.

МДХ ҳудудида айни пайтда амалда қўлланилаётган савдо тартибига зарар етказмайдиган принципларга асосланган мукамал эркин савдо зонасини ташкил этиш ва уни тезроқ ишга тушириш кўп жиҳатдан ушбу мақсадларга эришиш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради. Бугун Владимир Владимирович Путиннинг ўзаро муносабатларимизни янада мустақамлаш учун энг жозибador модель сифатида ушбу тартибни ишга тушириш вақти аллақачон етгани ҳақидаги таклифини мамнуният билан тингладим.

Бу халқларимизни яқинлаштирадиган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалаларни узил-кесил ҳал этишга ёрдам берадиган ягона иқтисодий модель бўлиб, бунга биз бежиз алоҳида эътибор қаратаётганимиз йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб, собиқ иттифоқ маконида бошқа интеграцион бирлашмалар шакллантирилишига қарамай, МДХ фаолияти йўлида бирон-бир тўсиқ йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида бормоқда. Бу ерда ҳам муҳокамага сабаб бўладиган ҳеч қандай муаммо кўрмаймиз.

Шу билан бирга, ушбу давлатларо бирлашмаларнинг ҳар бири, жумладан, негизда Евроосиё иқтисодий иттифоқи тузилаётган МДХ ҳам — дарвоқе, ушбу иттифоқ нима асосда ташкил этилаётгани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди — бир-бирини тақрорламасдан, ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйиши, ривожланиш концепцияси ва узоқ муддатли дастурга эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур шартларга риоя этилмаса, ушбу бирлашмаларнинг ўзаро мувофиқ равишда фаолият кўрсатишига умид қилиш қийин.

Шу ўринда МДХ масалаларининг бугунги муҳокамаси уларга бежиз эътибор қаратмаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди. Мен аввал ҳам айнан мана шу залда бу масала бўйича қуйидаги фикрни баён қилган эдим: мазкур жараён шу зайдда давом этаверса, яъни МДХ саммитларига шунчаки бориб-келинмаверса — бу ўзини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шунинг учун кўплаб ҳамкасбларимизнинг ушбу масалалар, айниқса, МДХ истиқболи билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Saylov — 2014

Тошкент давлат юридик университетиде Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан “Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш амалиётининг ривожланиши” мавзусида анжуман ўтказилди.

Унда партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, университет профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар, партиянинг “Ёшлар қаноти” фаоллари иштирок этди.

Тошкент давлат юридик университети ректори

Е.Каньязов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, сайлов жараёнларини тартибга солувчи нормаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига замин яратаётганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан тақлиф этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. 2012 йилда амалдаги сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ

сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш учун “сайловолди ташвиқоти” тушунчасига таъриф берилди, унинг шакл ва усуллари аниқ белгиланиб, сайлов куну ва сайлов бошланшидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги каби янги қоидалар киритилди.

ЎзЛиДеП жорий йилги сайловларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга

оширмоқда. “Демократик ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда профессионал сайлов тизими: ёшлар ва миллий қонунчилик” лойиҳаси ёшларни янада фаол бўлишга ундамоқда.

Тадбирда Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш босқичлари, сайловолди кампанияси жараёнида ЎзЛиДеПнинг туган ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

2014-yil 15-oktabr, № 83 (8732)

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда навқирон авлоди баркамол инсонлар этиб воёга етказиш, аҳоли, айниқса, болалар ва хотин-қизларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун қулай шароит яратиш, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишга қодир спортчиларни тарбиялашга қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудда барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари минглаб ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланган. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада мусобақалари спортсевар ёшларимизнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган чинакам ҳаёт мактабига айланди.

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва спортчиларимиз халқаро мусобақаларда улкан ютуқларини кўлга киритаётгани туфайли дунё ҳамжамияти Ўзбе-

кстонда спорт кенг ривожланганини эътироф этмоқда.

XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки олтин медални эркин кураш устаси Бекзод Абдурахмонов тақдим этди. Унинг жамоадоши Рашид Курбонов ва юнон-рум кураши устаси Рустам Аскалов ҳам ўз вази тоифасида барча рақибини маглубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Канозда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньковнинг натижалари қитъамизнинг кўпжа спортчилари учун орзуга айланди. Моҳир спортчимиз фаолияти давомида кетма-кет учинчи мартаба Осиё ўйинлари голиби бўлди. Тазквондочи Жасур Бойқўзиёв, байдаркада эшак эшиш бўйича Алексей Мочалов ҳам Осиё ўйинлари голиби бўлди.

— Халқаро майдонларда туғилиб ўсган Ватани шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта шараф, — дейди Ж.Бойқўзиёв. — Спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишимиз, халқаро майдонларда юксак галабаларга эришимиз учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш бераётган, биз ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб, эътибор ва гамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Инчеонда эришилган натижалар асосида мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб бораётгани, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантиришга қаратилган эътибор юксак самара бераётгани намоён бўлди. Бадий гимнастикачиларимиз Жамила Раҳматова, Равиля Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюковадан иборат жамоамиз Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида олтин медални кўлга киритгани бунинг далилидир.

Енгил атлетикачиларимиздан Светлана Радзивиц баландликка сакраш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатиб, фаолияти давомида кетма-кет иккинчи бор Осиё ўйинлари голибига айланган бўлса, еттикураш баҳсларида Екатерина Воронина тенгсиз эканини исботлади.

— Нуфузли мусобақаларда эришяётган натижаларимиз замирида Президентимиз Исло Каримов томонидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор мужассам, — дейди Екатерина Воронина. — Инчеонда кўлга киритган галабамиз 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган XXXI Олимпик ўйинларида ҳам такрорлашга бор куч ва имкониятимиз сафарбар этаман.

Осиё ўйинлари ўзбек бокс мактаби вакиллари учун ҳам омадли бўлди.

Бокс бўйича терма жамоамиз аъзоларидан Шаҳобиддин Зоиров ва Исроил Мадримов ўз вази тоифасида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Ойбек Мамазулов ва Мирзохид Абдуллаев бронза медаллар билан тақдирланди.

Полвонларимиз Дилшод Турдиев ва Бесики Салдадзе юнон-рум кураши баҳсларида кумуш ва бронза медалларни кўлга киритган бўлса, Ихтиёр Наврўзов ва Умид Исманов эркин кураш беллашувларида учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг дзюдо бўйича баҳсларида иштирок этган Дилшод Чориев кумуш медални кўлга киритди. Мирзохид Фармонов, Рамзиддин Саидов ва Абдулла Тангриев учинчи ўринни эгаллади.

Спорт гимнастикаси устали Антон Фокин, Абдулла Азимов ва Оксана Чусовитина, тазквондочи Никита Рафалович, Дмитрий Шокин, Максим Рафалович, каратэ устаси Барно Мирзаева, байдаркада эшак эшиш бўйича Эрнест Эрнарзов, енгил атлетикачиларимиз Леонид Андреев, Александра Котлярова ҳам делегациямиз ҳисобига кумуш медаллар келтирди.

Спортчиларимиздан Иван Зайцев, Юлия Тарасова, Надия Дусанова енгил атлетика баҳсларида, Анастасия Сердюкова бадий гимнастика бўйича, Улғабек Алимов, Сардорбек Дўсмуродов ва Махлиё Тоғаева

оғир атлетика баҳсларида, Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропиндан иборат жамоамиз байдаркада, Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев жуфтлиги канозда эшак эшиш бўйича, Гофуржон Зоҳидов ва Шаҳбоз Аҳатов каратэ баҳсларида, Денис Истомин, Санжар Файзиев, Фарқуз Дўстов ва Темур Исмоиловдан иборат терма жамоамиз теннис бўйича жамоавий беллашувларда Осиё ўйинларининг бронза медалларини кўлга киритди.

Маросимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири С.Сайид ва бошқалар спортчиларимизни Осиё ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриқлаб, келгуси нуфузли мусобақаларда омад тиллади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Марс Кўчқоров, спортчилар Бекзод Абдурахмонов, Жамила Раҳматова, Жасур Бойқўзиёв, Светлана Радзивиц ва бошқалар Президентимиз Исло Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ижросини таъминлашга бағишланган матбуот анжуманлари ўтказилмоқда. Шундай анжуманларнинг навбатдагисида журналистлар Мирзо Улғабек туманидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самаралари, соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ишлар кўламини танишди.

Тадбирда туман ҳокимлиги томонидан ҳудудда олиб борилаётган ишлар, жумладан, ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция имкониятлари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, янги иш ўринлари яратиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш хусусида атрофлича сўз юритилди.

Юртимизда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жамиятда ижтимоий барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мирзо Улғабек туманида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Туманда ўндан ортиқ йирик sanoat ишлаб чиқариш корхоналари, 464та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавjud корхоналарни модернизация қилиш, қувватларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имконият яратиш

борасидаги ишлар ўз самарасини бериб, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг ўсиш суръати йилдан йилга ошгани кўзга ташланади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида йирик корхоналарда 1 млрд. 520 млн. сўмлик sanoat ва 316,9 млрд. сўмлик истемол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилди.

Туманда ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йилнинг шу кунига қадар 221та лойиҳа ишга туширилиб, 1476та ишчи ўрни яратилди. Туманда 2013-2014 ўқув йилги касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Ҳудудда 6та олий ўқув юрти, 10та коллеж, 4та академик лицей, 34та мактаб, 57та мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида 33та болалар майдончаси, 4та спорт майдончаси янгидан қурилиб, 3та мактаб, 88та болалар майдончаси, 8та спорт майдончаси таъмирдан чиқарилди. Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам жадал кетмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган кўпжа саволларга батафсил жавоб берилди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



ТААССУРОТЛАРНИНГ ТУРЛИЧА ИФОДАСИ

Куз — ўзига хос чиройга эга фасл. Табиатнинг сарик, қизғиш тусда жилоланиши барчани ўзига мафтун этади. Бу мафтункорлик болажонларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида 4-синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган "Олтин куз" мавзусидаги очик дарсда ўқувчилар ушбу фасл таассуротларини ифода этдилар. Дарс давомида болаларнинг олтин фаслга оид билимлари янада бойиди.

— Беғубор қалб соҳиблари борлиқни ўз нигоҳи, беғубор олами билан кўради, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Сожида Турсунова. — Кўп йиллик тажрибам давомида ўқувчиларимнинг ҳар бири мавзу бўйича ўз мустақил фикрига эга эканини гувоҳ бўлганман. Уларнинг куз фаслини бир-бирдан гўзал ифодалар билан таърифлагани мени қувонтирди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Yangiliklarda yurt nafasi



Ташкент вилоятида «Респиратор касалликларга чалинган болаларни санатор-курорт даволаш ва tibbiy reabilitatsiya b'yiicha dolzarb masalalar» mavzusida xalqaro seminar o'tkazildi.

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган семинарда Хитой, Польша, Чехия, Хиндистон, Озарбойжон, Россия, Қозоғистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган соҳалар вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, респиратор касалликларга чалинган болаларни санатор-курорт даволаш ва tibbiy reabilitatsiya b'yiicha олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Ўзбекистонда ёш авлод камолоти, хусусан, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишини таъминлаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Чехия tibbiy-техника фанлари академияси академиги Марина Хлуднева. — Чехия ҳам Ўзбекистон каби курорт мусассасалари билан машғур. Мамлакатингизда она ва болани биргаликда соғломлаштириш борасида тўпланган гоёат бой тажрибани ўрганиш биз учун муҳим.

Семинар доирасида хорижда ишлаб чиқарилган tibbiy ускуналар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари Ташкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг диққатга сазовор жойлари ҳамда касаба уюмлари тизимидаги санаторийлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Самарқанд шаҳрида «Меҳнат соҳасида асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар» мавзусида минтақавий семинар o'tkazildi.

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касаба уюмлари конфедерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмалари ходимлари, ҳамкор идоралар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида қабул қилинган 2014—2016 йиллар учун Муносиб меҳнат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 майдаги «Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014—2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари вилоятдаги бир қатор корхоналардаги иш жараёнлари, ходимлар учун яратилган меҳнат шартлари билан танишди.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими қошида хунармандликни ривожлантириш маркази очилди.

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган марказнинг очилишига бағишланган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида миллий хунармандликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилалар даромадини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётгани тасдиқланди.

Тадбир доирасида гиламдўзлик, каштачилик, хунармандлик махсуслотлари, амалий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди. «Устоз-шогирд» анъаналари асосида тажрибали хунармандлар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Марказ миллий кадрларини асраб-авайлаш, бой маданий меросимизни, хунармандлик ва амалий санъат асарларини кенг тарғиб этиш, «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш, миллий хунармандлик сирларини ёш авлодга ўргатиш бўйича фаолият олиб боради. Миллий каштачилик ва амалий санъат асарларини халқаро миқёсда тарғиб этиш ҳамда сайёҳликни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейида «Гул-лаб-яшна, она Самарқандим!» шиори остида гуллар байрами o'tkazildi.

Самарқанд шаҳри кунчи муносабати билан ташкил этилган тадбирда шаҳар жамоатчилиги вакиллари, гулчилик ҳўжаликлари ва хаваскор гулчилар ўзлари еттиштирилган турли гул ва бутгасини ўсимликлар, гулдасталарни намойиш этди.

— Ҳар йили анъанавий гулшоуда ташкил этилаётган мазкур тадбир атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарни янада обод ва гўзал масканга айлантириш, бу ишда кенг жамоатчилик ва аҳолининг фаоллигини кўнатиришга қаратилган, — дейди Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи директори Зоҳид Орипов. — Айниқса, ёшлар учун бу тадбирнинг тарбиявий аҳамияти катта. Шу боис гуллар байрамига шаҳримиздаги таълим муассасаларини кўпроқ жалб этмоқдамиз.

Тадбирда гуллардан кўргазмаги воситалар ясаш, бино ва хиёбонларни безатиш, гулдаста тайёрлаш каби йўналишлар бўйича танловлар ўтказилди ҳамда фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Француз тили ўқитувчилари маҳорати амалий машғулотларда оширилмоқда

— Bonjour, madam!
— Bonjour, monsieur!

Меҳмонларни очик чеҳра билан кутиб олаётган ўқувчиларнинг французча саломлашиши барчага бирдек хуш кайфият бағишлади. Ўғил-қизларнинг чет тилида раво сўзлаши, ҳамсухбатлари билан қийналмай мулоқотга киришиши хорижликларнинг олқишига сазовор бўлди.

Пойтахтимиздаги 51-ИДУМда француз тили фани ўқитувчилари учун ташкил этилган республика ўқув-амалий семинари юқори синф ўқувчилари тайёрлаган бадий чиқишлар билан бошланди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Республика таълим маркази, Ташкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман ХТМФМТЭ бўлимлари мутасаддилари, юртимиз умумтаълим мактабларининг француз тили фани

ўқитувчилари иштирок этди. Анқу-маннинг очилиш маросимида педагогларга касбий маҳоратни ошириш ҳамда давлат таълим стандартлари бўйича 1—2-синф ўқувчилари учун яратилган «Hirondelle-1» ва «Hirondelle-2» дарсликларини амалиётда қўллаш борасида кенг маълумот берилди.

— Ўзбекистонда ёш авлоднинг пухта билим олиши, чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилаётгани таъжибга сазовор, — дейди Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жак

Анри Ольс. — Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган каби вилоятларда ўтказилаётган семинар ва урғашулар чет тилларни ўрганиш истагида бўлган ўғил-қизлар сони кўндан-кўнга ортиб бораётганидан дарак бермоқда. Нафақат ёшлар, балки ота-оналарнинг ҳам тил ўрганишига қизиқиши юқори эканига гувоҳ бўлдик. Шуларни инобатга олиб, француз тилини ўрганишни хоҳловчилар учун «Алянс Француз» тил ўргатиш марказини очилиш режалаштириаямиз.

Семинар доирасида Франциялик мутахассислар томонидан олиб борилган машғулотларда иштирокчилар дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари билан таништирилди. Дарслик мажмуалар муаллифлари, экспериментатор, тренер-ўқитувчилар ҳамда худудлардаги француз тили бўйича мутахассислар томонидан 3-синф ўқувчилари учун «Hirondelle-3» дарслик мажмуаси — ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланма ва мультимедияли иловалар яратилаётгани, уларда эътибор қаратилаётган жиҳатлар жусусида маълумот берилди.

Ўқув-амалий семинар 17 октябрга қадар давом этади.

Гулноз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири
Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



Газал билан бошланган тадбир

Эй сабо, ҳолим бориб сарви
хиромонимга айт,
Йилгаримнинг шиддатин
гулбаргу хандонимга айт...

Новоий қаламига мансуб ушбу байт Учтепа туманидаги 116-мактабда «Йилгор тажриба, яхши дарс — самарали билим» мавзусида бўлиб ўтган ўқув-амалий семинарда она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фани ўқитувчилари томонидан жўр овозда ай-тилд. Тадбир Республика таълим маркази, Ташкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг методика маркази томонидан «Мураккаб фанни ўрганамиз» тавсияси асосида ташкил этилди.

2013-2014 ўқув йилида ўтказилган билимлар беллашуви ҳамда мониторинг натижаларига кўра, она

тили ва адабиёт фанидан ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни бартарфат этиш семинар иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Утган ўқув йилида аниқланган камчиликларни бартарфат этиш юзасидан педагогларга тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Тренер-ўқитувчилар «Кеча ва кундуз» романини ўрганишда адабиёт ўқитувчисининг олдида қўйилган максад ва вазифалар, «6-синф адабиётини «Шум бола» кассисининг ўрганилиши» каби мавзуларда ўтган очик дарслар ўқитувчи ва мутахассисларда ижобий таассурот қолдирди.

Райхона ХЎЖАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Кичик мутахассислар беллашуви

XXI асрда ҳар бир касб эгаси ахборот технологияларига ишлаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Шунинг учун инновацияларга эришиш ва инновацияларни фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Муассасамизда «Бухгалтерия ҳисоби» йўналишида таълим олаётган ўқувчилар иштирокида ўтказилган семинар ҳам бўлгуси кичик мутахассислар ҳисоби соҳада нур компьютер дастурлари билан кенг таништиришга бағишланди.

Дастлаб тажрибали педагог ва мутахассислар томонидан «Microsoft Excel», «1-С» дастурларида ишлаш бўйича маълумот берилган, ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, мусобақа тарзида корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш

ҳақини ҳисоблашда қулайлик туғдирадиган «1-С» дастури бўйича ўз билимларини намойиш этдилар. Шартга кўра, ўқувчилар иш ҳақларини қўнунчилик талаблари асосида қисқа вақт ичида аниқ тарзда ҳисоблаб, соҳани пухта эгаллашганини кўрсатдилар.

Баҳодир ТўРАЕВ,
Товоқсий иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Тил жозибаси

Ташкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунга бағишлаб «Тил — миллатнинг кўзгуси» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Тадбир институт жамоаси ҳамда пойтахтимиз таълим муассасаларининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирок этди.

— Мустақил фикрлайдиган ёш авлоднинг тарбиялаш, уларда озғани ва ёшма нурқ маданиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг меҳна-

ти муҳим, — дейди институт ректори Дилшод Кенжаев. — Шу боис она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ўзининг нотиклик қобилияти билан бошқа фан мутахассисларидан ҳар томонлама ажралиб туриши, билим ва салоҳияти билан ёшларга ўрнак бўлиши лозим. Дунёда тиллар кўп, ҳар бирининг ўз жозибаси, ўрни бор. Айниқса, она тилининг жилоси ўзгача.

Тадбир сўнгида намойиш этилган Ташкент Миллий ракс ва хореография олий мактаби ҳамда Мирзо Улугбек туманидаги 223-мактаб ўқувчиларининг бадий чиқишлари барчага манзур бўлди.

Бобобек МАХРАМОВ

Она тилим — жону дилим

Пахтабод туманидаги 28-умумтаълим мактабда «Она тилим — жону дилим» мавзусида адабий кеча ўтказилди. Тадбирда барча синф ўқувчилари фаол қатнашди. Иқтидорли ўғил-қизлар она тилига бағишланган шеър ва газаллар ҳамда сахна кўринишлари ижро этишди.

— Ўқув масканимизда ҳар бир фан ойлғи ушқоқлик билан ўтказилади, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёрхон Содиков. — Тадбирларда бўлиб

ўтадиган турли танловларда ўқувчилар ўзларининг ижодкорлик қобилиятларини намойиш этишди. Натижада ўғил-қизларда билим олишга иштиёқ кучаймоқда. Бугунги тадбирда ўқувчилар тайёрлаган

деворий газеталар намойиши ўтказилди. Кўргазмадан ўрин олган буюк аждодларимизнинг она тили ҳақидаги ҳикमतлари маҳоратли педагоглар томонидан изоҳлаб берилди.

Тадбир якунида ўқувчиларнинг тўғарақ раҳбарлари билан тайёрлаган ижодий ишлари кўргазмаси муносиб баҳо-ланиб, голиблар тақдирланди.

Шухратбек КЕЛДИЕВ

2014-yil 15-oktabr, № 83 (8732)

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов "Адолат — қонун устуворлигида" асарида "Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади", деган эди. Юртбошимиз ташаббус билан қабул қилинган қонун 5 боб, 30 моддадан ташкил топган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалаларни ўзида муҳасам этган.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шериклик тушунчаси давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини англатиши мустаҳкамланди.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида белгиланди. Бунда шунинг эътиборига эришилди, давлат нотижорат ташкилотларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинад.

Ижтимоий шериклик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар ахиллиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, аънавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш каби соҳаларда амалга оширилиши мумкинлиги қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши, нодавлат

нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши, ижтимоий шериклик субъектларининг биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашув ва музокаралар ўтказиши, ўзаро битим ва шартномалар тузиши, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши, бир-бирларини қўллаб-қувватлаши, ахборот алмашиши ижтимоий шериклигининг асосий шакллари сифатида қайд этилган. Масалан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки ташаббуслар билан чиқишда, тегишли таклифлар ва лойиҳаларни тайёрлашда, уларни кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритишда, жамоатчилик экспертизаси ва муҳокамасидан ўтказишда, жамоатчилик назоратини амалга ошириш кабиларда намоён бўлади. Бунда шуниси муҳимки, давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиши шартлиги қонун билан кафолатланмоқда.

Қонун ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкӣ, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; бундай институтларга моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга со-

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

лиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш; нодавлат нотижорат ташкилотларга ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмалари бериш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришни мустаҳкамламоқда. Масалан, мулкӣ ёрдам кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулкӣни текин ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга

мой шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам катта эътибор қаратилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз низомиларига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз аъзолари ва иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига тегишли таклифлар кири-

Мазкур қонунда давлат органларига фаолиятининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган устувор йўналишларини аниқлаш, ушбу институтларга ижтимоий шериклик қилишнинг тегишли шарт-шароитлар яратиш, ташаббуслари ҳамда таклифларини кўриб чиқиш, зарур ҳолларда жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш, ижтимоий шериклик соҳасидаги битимлар ва шартномалар, дастурлар ҳамда лойиҳалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш каби мажбуриятлар юклатилган.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ташкилий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамловчи қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқишни, жойлардаги маҳаллий кенгашлар ҳузурида жамоат фондлари ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузиши, қонунда белгиланган мажбуриятларни ижро этиш механизмларини йўлга қўйишни, идоровий ички ҳужжатларни қонунга мослаштиришни тақозо этади. Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг минглаб хизматчилари қонуннинг мазмун-моҳиятини тўғри англаши, жумладан, "ижтимоий шериклик"нинг ўзи нималиги ва қай тартибда амалга оширилиши, бундай муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар нимадан иборат бўлишини тушуниши учун мутахассслар иштирокида семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ташкил этилиши лозим. Шу боис мазкур қонун 2015 йил 1 январдан эътиборан қучга кириши белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий майдон яратиб, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва уларнинг жамиятимиздаги нufузини юксалтиришга, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида фаоллигини янада ошириш, ислохотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоялашда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга, пировардида, қучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилади.

Миравал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторингини
институтини бўлим бошлиғи,
юридик фанлари номзоди

берилишини англатади.

Қонунда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари, унинг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ва уларнинг вазифаларига оид нормалар ҳам ўз аксини топан.

Яна бир муҳим аниқлик — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилишидир. Албатта, бу жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш, ҳудудларда социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини рағбатлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга, гуманитар масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қучли рағбат бўлиб хизмат қилади.

Қонун ҳаётда тўлақонли ва самарали ишлаши учун ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш асослари ҳам аниқ белгиланган. Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари; ижтимоий шериклик субъектларининг ўз маблағлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қонунда яна бир муҳим ва асосий масала, яъни ижти-

тиш, давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, давлат органларига ахборот олиш тўғрисида сўровлар билан муносабат этиш, жамоатчилик назоратини ўтказиш каби ҳуқуқларга эга. Айни ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг бир қатор мажбуриятлари ҳам мавжуд: ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини; ижтимоий шериклик соҳасидаги битимлар ва шартномалар, дастурлар ва лойиҳалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини; ижтимоий шериклик доирасида фаолиятни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинишини, ижтимоий шериклик доирасида тақдим этилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш шарт.

Масаланинг яна бир муҳим томони бу — давлат органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилганидир. Давлат органлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этишга, биргаликда ишчи гуруҳлар ҳамда комиссиялар тузишга, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик-маслаҳат органларини ишида иштирок этишини таъминлашга; битимлар ҳамда шартномалар тузишга, ижтимоий шериклик доирасида берилган давлат пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан мақсадли фойдаланилиши устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга ошириш кабиларга ҳақли.

Sinab ko'ring

O'quvchilarning og'zaki nutq va yozma matn yaratish mahoratini oshirish muammosi hech bir o'qituvchiga begona emas. Hatto ba'zida sinfdagi eng a'lochi o'quvchi ham bayon yoki insho yuzishga, ijodiy matn yaratishga, ayrim o'quvchilar esa og'zaki matn tuzishga, rasmlarga qarab gapirishga qiyinaladi. Bunday hollarda pedagog o'ziga xos usullar bilan o'quvchilarning bu boradagi ko'nikma va malakalarini shakllantirish choralarini ko'rish, bosqichma-bosqich nutqini o'stirish ustida ishlashi kerak. Quyidagi mashqlar 1-sinf o'quvchilarini mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatishda sizga asqotishiga ishonamiz.

1-mashg'ulot. O'ynab o'ylaymiz, o'ylab, so'ylaymiz.

Maqsad: Mustaqil fikrlash va fikrni to'g'ri ifodalash ko'nikmalarini shakllantirish.

Vosita: O'ylashga yo'naltiruvchi savollar, doiralalar, rasmlar.

Ko'rgazma: Odam va hayvonlar rasmlari.

Mavzu: O'zimni o'rganamiz.

Savol: — Oyoq nima qiladi?

Javob: — Bizni olib yuradi!

Savol: — Qo'l nima ish bajaradi?

Javob:

1-bola: — Hamma ishni biladi,

2-qizcha: — Bizni xursand qiladi.

3-bola: — Qo'l bilan ovqat yeymiz,

4-qizcha: — «Men javob beray», deymiz.

5-bola: — To'g'ri ushlab ruchkani,

6-qizcha: — Harflarni yozamiz.

7-bola: — Oppoqgina qog'ozga,

8-qizcha: — Delfinlarni chizamiz.

9-bola: — Doiralarni jamlab,

10-qizcha: — Qorbolani yasaymiz.

Bolalar muayyan vaqt davomida doirachalardan Qorbola rasmini chizishadi yoki yasashadi.

Savol: — Quloq kerakmi bizga, siz nima deysiz, Zuhra?

Javob: — O'zi, juda beo'xshov, joyiga tushmagan-ov,

Olib tashlay qolamiz, ko'rib qolmasdan birov.

Savol: — Kimni quloqsiz deymiz?

Javob: — Aytgan ishni qilmagan,

Bir joyda jim turmagan,

Qulog'i gap ilmagan,

Jahongirni-da!

2-mashg'ulot. O'quvchida mustaqil tafakkur, sanash va qo'shish ko'nikmalarini o'zaro uyg'unlikda rivojlantirish mashqlari.

O'qituvchi savol-topishmoq yordamida bolalar diqqatini jamlaydi:

1. Qo'li bitta, oyog'i to'rtta, nima bu? (Fil).

2. O'zi bitta, qo'li to'rtta nima bu? (Pashshaxona).

3. O'zi bitta, qulog'i to'rtta nima u? (Qozon).

Avvalo, o'quvchilarning javoblari tinglanadi. To'g'ri topganlar rag'batlantiriladi. To'g'ri javob aytilmasa, o'qituvchi oxirida e'lon qiladi.

Javob: — Fil. Filning oyog'i to'rtta, xartumi bitta bo'ladi. Xartum qo'l vazifasini bajaradi...

Savol: — Filning qo'li bormi?

O'quvchilarga filning rasmi ko'rsatiladi, javoblar tinglanadi, nutq o'stirish mashqlari bajariladi.

To'g'ri javob: — Filning qo'li — xartumi. Chunki u hamma ishni xartumi yordamida bajaradi: oziqlanadi, yuvinadi, og'ir yuklarni ko'taradi.

Savol: — Fil bilan odamning farqi bormi?

O'YLAB O'YLAYMIZ, O'YNAB SO'YLAYMIZ

1-sinf o'quvchilarini mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatish uchun mashqlar

Javob: — Fil — katta, odam — kichkina. Filning oyog'i to'rtta, qo'li bitta, odamning oyog'i va qo'li ikkittadan. Fil katta bo'lsa ham, odamning buyruqlarini bajaradi, chunki odamzod fildan aqlli.

Savol: — Ikki qo'lingizga, barmoqlaringizga qarang. Barmoqlaringiz nechta?

Javob: — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 — barmoqlarimiz o'nta!

Savol: — Tirmoqlaringiz-chi?

Javob: — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 — tirmoqlarimiz ham o'nta!

Savol: — Hammasi nechta bo'ladi?

Javob: — Yigirmata!

Savollar murakkablashtiriladi:

O'qituvchi: — Kaftingizni oching,

barmoqlaringizni bukib-ochishga, qoshiq, ruchka va boshqa buyumlarni ushlashga yordam beradigan a'zolar nima deyiladi?

Javob: — Bo'g'in.

Savol: — Bo'g'inlarni ko'rsating. Ularning soni nechta?

Barmoqlar bukilib, bukilgan joylar sanaladi.

Javob: — 28ta!

Savol: — Nima uchun o'ttizta emas?

Javob: — Chunki bosh barmoqda bo'g'inlar ikkittadan.

Savol: — Kaftimizda ham bo'g'inlar bormi?

Javob: — Barmoqning kaftga qo'shilgan joyida tashqi bo'g'inlar izi bor. Jami — 10ta.

Savol: — Barmoqlarni harakatga keltiruvchi bo'g'inlar soni qancha ekan?



Javob: — 38ta.

Savol: — Qo'limizda ham bo'g'inlar bormi?

Javob: — Ha, bor. Ular kaft va bilakni birlashtiruvchi bo'g'in, tirsak bo'g'ini va yelka sohasida joylashgan katta bo'g'inlardir.

Savol: — Qo'ldagi katta bo'g'inlar nima uchun kerak?

Javob: — Qo'lni ko'tarish, bukish, turli jismoniy harakatlarni bajarish uchun zarur.

Asaka tumani

38-maktabgacha ta'lim mu-

assasasi viloyatdagi na-

munali maskanlardan sanaladi.

Obod va k'rkam

g'usha rahbari Muhabbatxon Sobirova 25 yildirki,

mehnatsevar va izlanuvchanligi bilan e'ish avlod ka-

molotiga katta hissa q'ushib kelmoqda. Bugun farzan-

di, nabirasi shu bo'gada tarbiyalanishi istaydi-

ganlarning k'upligi jamoa mehnati va ijodkor peda-

goglarining say'iharakati natijasidir.

Maskandagi tartib, ozodlik, guruhlarining turli jihoz, k'rgazmali vosita va y'innoklar bilan bezatilib barchaga xushkayfiyat bag'ishlaydi. Ku'esh, oy, julduz shaklidagi landshaft dizayni, xayvonot dun'esi aks etgan rasmlar, ertak qahramonlari tasvirlangan i'yulaklar — bularining barchasi bolalik

olamini boyitadi. Bunday sharoitni yaratishda otana-lar-ninng ham k'umagi i'yuk emas. Ayniqsa, Iroda Usmonova, Iskandar Saydullaev, Azi-zaxon Idi'bobaeva va Zi'y'id-din Sheraliev kabii tad-birkorlar k'umakka doimo shay. Y'qindda musika zali ta'mirlanib, yangi jihoz-lar bilan ta'minlandi.

ХАР ДАҚИҚА МАРОҚЛИ

«Булбулча» болалар даста-си катнашчиларининг к'у-шик ва рақслари к'упчилик-ка манзур б'улмоқда.

Тарбияланувчиларнинг хар бир дақиқаси мароқли ва мазмуни утишини таъ-минлаш мақсадида бир

неча бор шахмат мусобақа-ларида тенгдошларидан ус-тун келишди.

Таълим муассасасида тарбиячи, энага ва бошқа ходимларнинг фаолияти натижаларини к'урсатувчи рейтинг тахтаси мав-жуд. Жамоа меҳнати

16та мезон, масалан, гуруҳдаги озодлик, бола-лар билан олиб борилади-ган машгулотлар савияси, ота-оналар билан ишлаш, y'innoklar тайёрлаш каби й'уналишлар б'уйича баҳола-нади. Энг юқори к'урсатки-ча эришганлар, албатта, рағбатлантирилади. Жумла-

дан, Гулнора Норалиева, Гулсора Солиева, Сабоҳат Нуридинова, Нигора Қоди-рова ва Ирода Ж'ураева бу ижодий беллашувда к'уп бор голиб б'улган.

Хозир масканда 250 y'uil-киз тарбияланмоқда. Тажри-бали тарбиячилар машгу-лотларни ватанпарварлик ва ростг'улик каби фазил-латларга чорловчи сахна к'уринишлари билан утказа-ди. Эртак қahрамонларнинг ибрати, эзгуликка й'урил-ган y'uitlar келажагимиз эгаларининг эртанги кунга ишонч билан қадам таш-лашларига замин яратмоқ-да.

Орифжон СИДДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Eng obod ta'lim muassasasi

неча т'угараклар ташкил этилган. Y'qindа очилган шахмат т'угарагида 1-раз-рядли шахматчи Феруза Муротова 12 нафар икти-дорли болага мураббийлик қилмоқда. Маржона, Абду-молик, Адхам ва Машхурбек каби кичкинтойлар бир

2014-yil 15-oktabr, № 83 (8732)

TUG'RI TANLANGAN SINFLAR SARDORI

Ўқувчилар ўртасида соғлом муҳитни қарор топтиришда синф раҳбарига ёрдам беради

Аксариятимиз мактаб даврини, синфдошларни эсласак, болалигимиздаги энг ёрқин дамлар, қизиқарли хотираларни кўз олдимиғизга келтирамиз. Ҳаёт йўлларида елкадош бўлиб, бир-бири билан узилмас ришта боғлаган синфдошлар ҳам ораимизда кўп бўлади. Уларни кўриб, «Аҳил синф экан-да», деймиз. Аксинча, синфдаги муҳит ёмонлигидан беш-ўн йил ўтмасдан бир-бирини унутган партадошлар ҳам бор. Ҳўш, синфда дўстона муҳитни шакллантиришда ўқитувчи нима-ларга эътибор қилиши керак? Мавзу доирасида турли тажрибалар билан танишар эканмиз, саволимиз жавоби йўл-йўлакай ойдинлашиб борди.

— Ўқувчилар ўртасида соғлом муҳитни шакллантириш биринчи синфга қабул қилинган кундан бошланади, — дейди Данғара тумани ХТМФМТЭ бўлими бошлангич синф методисти Ҳакима Ҳайитова. — Яъни, фарзандини мактабга бошлаб келатган ота-она болага ўқитувчиси, синфдошларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозимлигини жонли мисоллар билан тушунириши зарур. Ўқитувчи эса аҳил жамоани жамлаш учун аввалбошдан болаларни бир-бирига дўст тутинтириши, ўзаро ҳурмат ҳиссини шакллантириши муҳим. Мисол учун, тоби қочиб қолган ўртоғининг ҳолидан хабар олиш болаларда ўзаро меҳрни кучайтиришга ёрдам беради.

Бу тавсиянинг амалий аҳамиятини кўзатиш учун шу тумандаги 4-мактаб ўқитувчиси Муножот Абдуллаева синфга йўл оламиз. Хонага кирaverишда «Президент фарзандлари» стендига кўзингиз тушади. Хар бир ўқувчининг фотосурати белгиланган номинациялар қаршисига жойлаштирилган. Олайлик, Фаррух «Энг яхши ҳамкор» номига лойиқ қўрилган бўлса, Зебунисо «Энг чиройли ҳусниҳат сохибаси»га айланган, Нодирбекни бу ойда «Энг жонқуяр дўст» таърифига муносиб топишган. Педагог ушбу таърибнинг самараси ҳақида шундай дейди:

— Ўқувчиларим иккинчи синфга ўтганида бир-бири билан келишолмай қолган ҳолатлар учради. Шунинг учун «Президент фарзандлари» стендини ташкил қилдик. Бу шарафли доскада хар бир ўқувчим ўзининг сурати бўлишини истаб, одоби ҳам, ҳулқи ҳам, ўқиши ҳам яхши томонга ўзгарди. Хунук ёзадиганлар «Энг чиройли ҳусниҳат сохиби» бўлишга интилиб, равон ёзиш малакаларини ўзлаштирди. Қизларнинг соҳидан тортадиган, ўртоқлари билан олиши юрадиган болаларим юриш-туришини идора қилишда масъулият сеза бошлади. Икки йилдан бери шу таъриба орқали синфимда соғлом рақобатга асосланган ижобий муҳит яратилган эришдик.

Сардор — ҳар недан хабардор

Ҳа, синф жамоасини бошқаришда устоздан уйдабуронлик талаб қилинади. Демак, бошлангич синф ўқитувчиси бошқарув санъатини, психологияни чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Бу ҳақда пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 14-мактабнинг 4-синф ўқитувчиси Матлуба Иброҳимованинг фикри қуйидагича:

— Ўқувчиларни биринчи синфга қабул қилиб олган, ўқув йилнинг би-



Мактаб муҳити

ринчи ярмигача уларни бир-бирига ўргатиш, жамоа бўлиб ишлаш малакасини шакллантириш, мактаб шароитига мослаштириш керак. Синф марказида доимо олтин шпор осилиб туриши керак: «Ҳамма бир-бирини ҳурмат қилиши лозим!». Қоидага амал қилмаганлар уялтириш усули орқали жазоланади. Бошқарувни энгиллаштириш, субординация тарзида ўқувчиларнинг ўзларида шахсий масъуллиқни ошириш учун иккинчи ярим йиллик бошида (ўқув йили бошида ўқувчилар бир-бирини у қадар яхши билмайди) синф сардори тайинланади.

Муаллима тенгдошларини эргаштира оладиган, тўғри қарор қабул қиладиган болани сардор сифатида танлайди ва унга энгиллик яратиш мақсадида қаторбошлар ва ораста қиз ҳам белгиланади. Синф сардори адолатли, одобли, ҳар жабҳада ўрнатилган, синф муҳити ҳам соғлом бўлади. Ўқитувчининг услубига кўра, сардорнинг айирмақашлиги, ўзининг манфаати учун ўртоқларидан фойдаланаётгани сезилса, дарҳол чора кўриш керак. Кескин тарзда эмас, балки чин дўстлик, бир-бирига оқибат, ғамхўрлик ҳақидаги ҳикоя ва мақоллар билан таъбир ўтказилиши лозим. Ўқувчилардан яширин овоз бериш йўли билан сардорга муносабатни билиб олган маъқул. Очиқ танқид болага салбий таъсир кўрсатади. Норози муносабатлар кузатилса, жамоадан «Кимни сардор бўлишини истайсиз?» деган саволга жавобни ҳам аноним тарзда олиш мақсадга мувофиқ. Йил охирида хар бир синф масъулларининг иши, жамоага таъсири таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилади. Кейинги йилда эса синф сардори ва қаторбошлар, албатта, ўзгартирилади.

Собиқ сардорларнинг иши ҳаққоний сарҳосиб қилинганда улар ўз камчилиги нимадалигини тушуниб етади. Ўқитувчи ўзининг собиқ ёрдамчисига бошқа синфдошлари ҳам сардор бўлишга ҳақли эканини, уни эса кичик олимпиада ва бошқа танловларга тайёрлашини, билимини янада мустаҳкамлаши учун шундай шароит зарурлигини тушунтирса, бола тўғри қабул қиладди.

Ҳамма бошқарувчи бўлишга ҳақли

Синфдаги етакчи болаларни аниқлаш таърибаларини ўргатар эканмиз, Сергели туманидаги 104-мактабнинг бошлангич таълим

ўқитувчиси Элмира Ҳасанованинг амалиётни диққатимизни тортиди.

— Синф сардори, тозалликка масъул ва қаторбошларни хар ойда алмаштиришни таъриба қилиб кўрдим, — дейди Элмира Ҳасанова. — Хар ойнинг охирига жумасидаги тарбиявий соатда ўқувчиларимга сўровнома тарқатаман. Болалар сардор ва бошқа синф фаолларининг ишини таҳлил қиладиган пунктларга «ха» ёки «йўқ» кўринишида муносабатини билдиради. Фикрларни жамлаб, фаолларнинг бир ойлик фаолиятини ҳолис баҳолайман. Камчиликларни тан олиш ва тўғрилашга ҳозирдан ўргатиш болаларда ўз-ўзини баҳолаш ва таҳлил қилиш кўникмасини тарбиялайди. Шундан кейин ўтган ойда синф ҳаётида энг намунали деб тан олинганларни фаол сифатида сайлаймиз. Таърибанинг афзаллиги шундаки, хар бир бола ўқишда ҳам, тарбиявий жиҳатдан ҳам намунали бўлишга интилади. Соғлом рақобат туфайли ўқувчиларимнинг ҳулқи, ўқиши, мактаб тадбирларидаги иштироки жонланди. Яъни, синф фаоли бўлиш истаги хар бир ўқувчида борлиги боис улар ўз-ўзини доимо назорат қила бошлайди. Шу тариқа барча ўқувчининг бошқарувчилик қобилиятини ривожлантириш имкони пайдо бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ўқитувчи қўлаётган усул самарали. Бу болаларнинг кундалик ҳаётида ҳам ўз аксини топаётганмикин?

— Қизим 1—3-синфларда унчалик тиришқоқ эмасди. Ўқитувчиси 4-синф бошидан хар ойда сардорларни ўзгартираётганини айтиб келди. У ҳам яхши ўқимас, сардор бўламан, дея орзулади. Шундан кейин мактабдан келиши билан уйга вазифаларни тайёрлайдиган, хар бир топшириққа масъулият билан ёндашадиган бўлиб қолди. Ниҳоят, октябрь ойда сардор бўлди. Фарзандимда ижобий томонга ўзгариш сезаяпман, — дейди Мадинанинг онаси Хуршида Назарова.

Ақл ва ташаббус бирлиги

Юқоридаги суҳбатдан сўнг синфга бошчилик қиладиган ўқувчи руҳияти билан қизиқдик ва амалиётчи психолог Раъно Раҳимовога юзландик.

— Бола яхши ўқиса, кийиниши, ўзини тутиши жойида бўлса-ю, манипулятор бўлса, уни сардор қилиш ярамайди, — дейди у. — Фақат тўғри фикрлайдиган, синфдошлари-

га яхшилик истайдиган болага жамоани аҳил қилиши мумкин. Ўқитувчи сардор қилиб тайинланажак ўқувчининг оилавий шароитидан яхши хабардор бўлиши зарур. Айрим болалар уйдаги тўғри тарбия, мустақиллик туфайли оқил қарор қабул қилиш, вазиятга баҳо бериш кўникмасига кичиклигидан ўрганади. Гарчанд аъло баҳоларга ўқимаса-да, улардан яхши бошқарувчи чиқиши мумкин. Афсуски, ўқитувчиларнинг кўпчилиги яхши ўқиган бола яхши бошқарувчи бўлади, деган ақидага амал қилиб адашади. Аслида эса, ҳамма аълочилар ҳам синфдошларини ўз ортидан эргаштира олмаслиги мумкин. Ўқитувчи боланинг бошқарувчилик қобилиятини синийдиган тестлардан фойдаланса, мушуқли осон бўлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: синф сардори адолатсиз бўлса, жамоадан ажралиб қолган ўқувчилар бўлмайди? Бу ҳақда Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Комила Ҳимматов ва ўз фикрлари билан ўртоқлашди:

— Синфда ажралиб қолганлар бўлса, бунда биринчи хато ўқитувчидан, иккинчи хато синф сардоридан ва ота-оналардан ўтган бўлади. Келинг, муаммодан тарафлар иштирокини бирма-бир кузатамиз. Аслида, синфдаги унчалик яхши ўқимайдиган, индамаслар жамоа диққат-марказида бўлмайди. Бу ҳолатни ўқитувчи вақтида аниқлаб, бўш ўқийдиганларни ҳам илгорлар сафидан жой олишга ундаса, бирор қобилият орқали синф учун керакли инсонлигини исботлаб берса, унга нисбатан ўртоқларининг муносабати ўзгаради. Аксинча, педагог яхши ўқимайдиган ўқувчисига беъэтибор бўлса, вазият янада ёмонлашади ва ўқитувчи рақобатчи бўлиши шундаки, хар эса бир четда турган боланинг келажиги, орзуларига салбий таъсир қилиши ҳеч гал эмас. Синф сардори ўз атрофига «ишонганларни» тўпласа, ҳаммага бирдек муносабатда бўлмаса, муҳит бузилади. Синфда турли гуруҳлар юзага келади: яхши ўқийдиганлар, ўрта ўқийдиганлар, кучи қўллар... Баъзи ота-оналарнинг фарзандига эҳтиёждан ортик пул бериши, ноодатли ўқув қуроллари ёки бошқа буюмлар олиб бериши ҳам ўқувчининг синфдошлари орасида ортиқча обрў орттиришига сабабчи бўлиб, синф муҳити ёмонлашувига туртки беради.

Ўқитувчилар синфда соғлом муҳит барқарор бўлиши учун ўз масъулиятини баҳолай билиши, қайсидир камчилиги туфайли синфдошлари назаридан четда қолаётган ўқувчи ҳаммининг сафида тенг туришига эришиши лозим. Олайлик, байрам тадбиридаги сахна кўринишида нисбатан паст ўзлаштирувчи ўқувчининг асосий қахрамон образини ижро этиши унга кўтаринкилик бағишлайди. Ёки тарбиявий соатларда ҳам шунчаки маслаҳатгўйликдан чекиниб, кийиниши одоби, чин дўстлик, ўртоқларнинг ўзаро муомала маданияти бўйича эртак ва ҳикояларни театрлаштириш ҳам ўқувчиларда ҳулоса чиқариш малакаларини шакллантиради. Ёнг муҳими, педагогларимиз бугун болалар орасидан синф сардорларини сайлаш таърибаси эртага мустақил ҳаётда етакчиларни тарбиялаш учун мустаҳкам замин яратишини доимо ёдида тутишлари лозим.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

«КўРАР КЎЗИМ»НИ ҚАНДАЙ ТУШУНДИНГИЗ?

ёхуд хорижликларга ўзбек тилини ўргатишда бадий адабиётимиз намуналарининг ўрни хусусида

Ўзбек тили, маълум мақсад ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, дунёнинг Хитой, Япония, Корея, АҚШ, Россия, Франция, Германия сингари бир қатор давлатларидаги университетларда ўрганилмоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг биз ҳамкорлик қилаётган Блумингтон шаҳридаги Индиана университети махсус гуруҳларида ўзбек тили уч йил мобайнида, жами 210 соат (1-курсда 30 соат, 2-курсда 90 соат, 3-курсда 90 соат) ўрганилади. Бу жараёнинг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистонда шаклланган тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юртимиз олий ўқув юртлари рус гуруҳларида ҳам кўп йиллардан буён ўзбек тили ўқитилди ва бу борада тузуккина тажриба тўпланган, анчагина педагогик воситалар яратилган.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларидаги таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тили давлат тили сифатида ўқитилди ва: "...талабаларнинг ўз мутахассисликлари доирасида эркин мулоқот юрйти олишлари ва давлат тилида ...иш юрйти билишлари» мақсад қилиб белгиланган. Бунга жами 76 соат (фақат 1-курсда) вақт ажратилган. Чет эллардаги ўзбек тилини ўрганаётган талабаларнинг мақсади ҳам, «давлат тилида ...иш юрйтиш»ни ҳисобга олмаганда, деярли шундай. Таълимнинг мазмуни, яъни ўзбек тилини ўрганиш бўйича фойдаланилаётган ўқув материаллари ҳам бир-биридан катта фарқ қилмайди.

Ўзбек тилини ўрганаётган хорижлик талаба биринчи курс давомида дастур талаби билан икки минг бир юздан ортиқ сўз ва иборани ўзлаштиришни кўзда тутилган. Ўзбекистон олий таълим муассасалари рус гуруҳлари талабалари ҳам шунга яқин миқдорда ўзбекча сўз ва бирикмаларни билиши талаб қилинади. Хар иккала аудитория учун яратилган «Ўзбек тили» дарсликларида ҳам асосий эътибор тил ўргатишга қаратилган бўлиб, ўзбек адабиёти намуналаридан: «У ким?», «Шу атрофда меҳмонхона борми?» [Uzbek: an elementary textbook /Azimova, Nigora. Printed in the USA 2010. (495 с.)] ва «Холатни ифодалаш», «Фикрни мантикий боғлашиши ифодалаш» [Muhiddinova X.S., Salisheva Z.I., Po'latova X.S. O'zbek tili. OTM rus guruhlari uchun darslik. - T.: "O'qituvchi", — 2012. (304 с.)] сингари бир қатор мавзулар доирасида фойдаланилган.

Бу — биринчидан. Иккинчидан, хар иккала аудитория учун тузилган «Ўзбек тили» дарсликларида адабий материалларга бевосита бадий асар сифатида мурожаат қилинмай, уларга грамматик билимларни мустаҳкамлаш ёки матрни лингвистик таҳлил қилиш ёхуд нутқ ўстиришда ёрдамчи восита ёкинчи ўзбек ёзувчи ёки шоирларнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида хабардор қилиш мақсадида ёндашилган. Чунки хар иккала дарсликда ҳам ўзбек тилида коммуникатив мулоқот мақсад сифатида белгиланган. Аммо талабаларда коммуникатив вазиятни ҳис эттириш масаласи кўзда тутилмаган. Натигада чет элик талабалар ҳам, мамлакатимиз олий таълим муассасалари рус гуруҳлари талабалари ҳам етарлича ўзбекча сўз ва ибораларни билганлари, маълум мавзуда шаблон асосида суҳбатлаша олганлари ҳолда эркин мулоқотга киришиши қийин кечади. Бунинг сабаби шундаки, талабалар, аввало, нутқий вазиятни ҳис эта олмайдилар. Қолаверса, улар маданиятлараро компетенцияга эга эмас. Талабалар ўзбек адабиёти намуналари билан яқиндан танишсаларгина, уларда

маданиятлараро компетенция шаклланади. Шундан кейин улар ўзбекча сўзларигина эмас, балки айни сўзлар ишлатиладиган вазиятни ҳам ҳис этадиган бўлишади. Мулоқотга киришган одам тилнинг грамматик қоидаларидан ҳам кўра ўша тилнинг мулоқот қоидаларини яхши билиши керак.

Маълумки, бадий адабиёт коғоз ёки электрон кўринишда бўлишдан қатъи назар, руҳий-ахлоқий тарбия бериш, эстетик заъв олиш ва интеллектуал фаолият кўрсатиш манбаи бўлиш билан бирга, тил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга восита ҳамдир. Тили ўрганилаётган халқнинг маданияти, миллий менталитети шу халқнинг адабиётида тўлиқ акс этиши ҳам рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бундан ташқари, ўрганилаётган тилнинг бор гўзаллиги, инжаликлари ҳам унинг бадий сўзида ёрқинроқ намоён бўлади. Шу боис талабанинг ўзи ўрганаётган тилда бадий асар ўқиши унга янги маданиятни билишдан ташқари, орадаги маданий бегоналикни йўқотиш, тили ўрганилаётган халқнинг миллий психологиясини англаш, шу халқнинг маънавий илдизларини ҳис этиш имкониятини беради.

Айни шу ҳақиқатларга таяиб ўзбек тилини ўрганиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Индиана университети талабалари учун махсус «Ўзбек адабиёти» дастурини яратдик. Бунинг учун дастлаб «Ўзбек тили» дарслиги материаллари асосида америкалик талабаларнинг лугат бойлиги аниқлаб олинди. Шу асосда алоҳида лугат-минимум тайёрланди. Адабий мавзулар алоҳида материал шаклида электрон вариантда тақдим этилди. Шунингдек, ўзбек тилига ажратилган вақт ҳисобидан 2-курсда 30 соат, 3-курсда 60 соат ўзбек адабиётини ўрганишга мўлжалланди. Ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда мазмуни аниқ белгилаб олинди. Тил ўрганувчиларнинг 1-курсда орттирган лексик бойлигига таянган ҳолда уларнинг ўзбек адабиётидан ўзлаштирилари лозим бўлган билим, қўнма ва малакаларининг минимал миқдори тайин этилди. Дастурда ўзбек халқининг оғзаки ижоди, замонавий ва мумтоз адабиёти намуналаридан қайсиларни, қандай тартибда тавсия этиш ва уларга ёндашиш талқини аниқ кўрсатилди.

Хар қандай фаолиятнинг самарадорлик даражаси мақсаднинг нечоғлиқ тўғри қўйилгани билан ўлчанади. Шу маънода ўзбек тилини ўрганаётган хорижлик талабаларга ўзбек адабиётини ўқитишнинг мақсади уларнинг ўзбек халқининг умуминсоний маънавий мезонларга мувофиқ келадиган, аммо фақат ўзигина хос бўлган маънавий-ахлоқий қадриятларини билиш, ўзбек сўзининг қудрати ва инжалик-

21-oktabr — O'zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni qabul qilingan kun

ларини ҳис қилиш, ўзбекча қочиримларни, ўзбекча юморни англаш, ўзбек халқининг миллий руҳиятини туйиш ва шу асосда, ўзбекнинг миллий менталитетини бошқалардан фарқлай олишига эришишдан иборат.

Эришилиши назарда тутилган бу мақсад ўзига хос вазифаларнинг белгилиниши ва уларнинг бажарилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам педагогик амалиётда вазифаларни тўри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Америкалик талабаларга ўзбек адабиётини ўқитишнинг вазифалари — бутунлай бошқача руҳ ва бошқа жамятда шаклланган талабаларни ўз фикрини ўзбек тилида ёзма ва оғзаки тарзда фаошад билан, равон ва саводли баён қила оладиган, ўзбек адабиёти намуналарини аслиятда ўқийдиган, уни тушуниб муносиб баҳола оладиган, таҳлил қила биладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир. Талабаларда кўп асрлик ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш, англаш ҳамда таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш, барча миллий адабиётлар учун умумий бўлган, шу билан бирга фақат ўзбек адабиётигагина хос назарий билимларни ҳосил қилиш ҳам ўзбек адабий таълими вазифалари сирасига қиради.

Чет элик талабалар учун ўзбек адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари адабиёт предметининг мазмунини ҳам белгилаб олишни тақозо этади. Ўзбек халқ оғзаки ижодидан материаллар, замонавий адабиёт ва ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, шу билан бирга ўқилган асарларни тушуниш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган миқдордаги назарий маълумотлар ҳамда дидактик ашёлар «Ўзбек адабиёти» предметининг мазмунини ташкил этади.

Ўзбек адабиётини тил дарсларига илова шаклида ўқитишни назарда тутган мазкур дастурда ўрганиладиган асарлар бадий қимматига қараб сараланди, билим олувчиларнинг ижтимоий ҳолати, ёш хусусиятлари, интеллектуал имкониятлари ҳамда дунёқараётининг ривожланиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришга ҳаракат қилинди.

Хорижлик талабаларга мўлжалланган «Ўзбек адабиёти» электрон дарслигида адабий материалларни ўз ички хронологияси, услубий яқинлиги, мавзу ва тил хусусиятлари, тасвир жиҳатлари, жанр ранг-баранглигига кўра жойлаштиришга эътибор қаратилди.

Ўзбек адабий таълимнинг дастлабки босқичида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш устуворлик қилади. Чунки хорижлик талабаларни ўзбек адабиёти дунёсига олиб киришда уларнинг биринчи босқичда эгаллаган билим, қўнма ва малакаларини ифода услуби равон, тили содда бўлган халқ оғзаки ижоди маҳсулини тақозо этади. Аста-секинлик билан замонавий адабиёт намуналарини ўрганишга ўтилади.

Тавсия этилган материалларни ўрганишда талабаларни бадий асарни ифодали ўқиш, таҳлил этиш, асар замирига сингдирилган миллий руҳни англаш, ҳис қилиш, матнларнинг жанр хусусиятларини ажрата олиш, бадий ҳодиса ҳақидаги фикрларини ўзбек тилида равон, таъсирчан, саводли, маълум изчилликда баён қилиш малакаларини шакллантириш ва тако-

миллаштиришга йўналтириш, ўрганганларини ўз миллий адабиёти намуналари билан таққослай олиш, уларнинг ўхшаш ёки фарқли томонларини ажрата билишига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Мазкур босқичда миллий адабий таълим бўйича олинган билимларни назарда тутган ҳолда назарий маълумотларни ўргатишга ҳам эътибор берилди.

Ўзбек мумтоз адабиётидан намуналар ўрганиш университет адабий таълимнинг навбатдаги учинчи босқичида амалга оширилади. Ўзбек классик адабиёти намуналарининг ҳажмида келиб чиққан ҳолда уларнинг асли ёки насрий баёни билан танишиш, уларни идрок этиш, моҳиятига кириб таҳлил қила билиш талабалардан анчагина ҳам ақлий, ҳам руҳий зўриқни талаб қилади. Аввалги икки босқичда олинган билим, шаклланган қўнма ва малакалар ўзбек мумтоз адабиёти билан ишлашда асос бўлади.

Электрон дарсликда тавсия қилинаётган адабий материаллар устида ишлаш бўйича тушунарси сўзлар лугати, уч даражадаги савол-топшиқлар ҳамда талабага нотаниш бўлган адабий жанрлар хусусидаги назарий маълумотлар каби махсус дидактик ашёлар ҳам тақдим этилмоқда.

Фаолиятимизнинг исботи сифатида ўқув материалларидан бири «Ўзбек аллеси» мавзуси (электрон дарсликда тақдим этилган бир нечта аллалардан бири) кўйида намуна сифатида келтириллаётир.

Алла айтай, жоним болам, Қулоқ солгин, алла. Ширин аллам тинглаб аста Улаб қолгин, алла.

Юзларингга томган сувга Ҳайрон бўлма, алла-ё, Бахтимга сен катта бўлгин Ҳазон бўлма, алла.

Истиқболнинг порлоқ сенинг Жажжигинам, алла-ё, Бахтимга сен катта бўлгин Ҳазон бўлма, алла.

Севганимдан ёдгоримсан Олтин кўзим, алла-ё, Мен шўрликдай тўкилмагин Кўрар кўзим алла. Алла-ё, алла.

Лугат Қулоқ солмоқ — to listen. Ҳайрон бўлмоқ — to be amazed. Ҳазон бўлмоқ — to ruin. Истиқбол — future. Порлоқ — bright. Жажжи — small, cute, petit. Ёдгор — remembrance, morial. Кўзи — baby [lamb]. Шўрлик — wretched. Мунг — teek. Таллуқул — concerning.

Дарсда лугат билан ишлашга алоҳида вақт сарфланмайди. У матнни умумий тарзда тушуниш учун мўлжалланган. Алла матнини аввал ўқитувчи ифодали ўқи берди, сўнгра талабаларнинг ўзлари лугат ёрдамида унинг мазмун-моҳиятига киришга уриниб кўрадилар. Тушунарси ўринлар биргаликда муҳокама қилинади. Сўнгра асар матни устида иш бошланиб уч даражали савол-топшиқлар кўмағида унинг таҳлилига киришилади.

1-даража. Матн мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар

1. "Юзларингга томган сув"ни қандай тушундингиз?
2. Онанинг бахти нимада деб ўйлайсиз?
3. "Севганимдан ёдгоримсан" ибораси замиридаги маънони шарҳлашга уриниб кўринг.
4. Алланинг биринчи ва охириги бандларини қайта ўқинг. Орадаги фарқи илғашга ҳаракат қилинг ва фикрингизни ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.
5. "Мен шўрликдай тўкилмагин" мисрасини қандай тушундингиз?
6. "Кўрар кўзим" ибораси кимга нисбатан ишлатилган деб ўйлайсиз? Сиз уни қандай тушундингиз?

2-даража. Матндаги миллий руҳни аниқлаш учун савол ва топшириқлар

1. Алланинг Зулайхо Бойхонова ижросидаги шаклини дискдан кўринг ва тингланг. Алла айтаётган ўзбек аёлини тасаввур қилинг (Аллаларнинг бир нечта ижроси электрон дарсликда тақдим этилган).
2. Ўзбекистонда ўтказиладиган алта танловини томоша қилинг. Алланинг хар икки шаклини — бадий ва халқона ижросини қиёсланг (Бу ҳам дарсликда ўз аксини топган).
3. Ўзбек аёлига хос мунг қайси сатрларда назарга ташланади? Шунини аниқлашга уриниб кўринг.
4. Она аллсида фарзандининг келажакига ишонч ҳисси қайси мисраларда акс этган? Уларни ажратиб ўқиб беринг. Муносабат билдиринг.

3-даража. Фикрлаш ва муносабат билдириш учун савол-топшириқлар

1. Алланинг хар икки кўринишини — бадий ва халқона ижросини ўз тилингиздаги аллалар билан таққосланг. Ўхшаш ва фарқли томонларини топишга уриниб кўринг.
2. Алла матнидан онанинг фарзанди учун тилақларини топиб қайта ўқинг. Тилақларнинг қайси бири боланинг ҳозир ва қайси бири унинг келажакига тааллуқли экани ҳақида ўйлаб кўринг. Фикрингизни асосланг?
3. Савол-топшириқларнинг 1-даражасига жавоб бера олган талабалар матн моҳиятини ўзлаштирган ҳисобланадилар ва "ўрта", иккинчи даражали савол-топшириқларга жавоб бера олган талабалар ўзбекона руҳни ҳис қилган, ўзбекнинг миллий менталитетини англаб бораётган саналадилар ва "яхши" баҳони қўлга киритадилар. Ниҳоят учинчи даражадаги савол-топшириқларга жавоб беришга эришган талабалар ўзининг ва ўзбекнинг миллий менталитетларини таққослаб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илғаб борадилар. Инсонни англашни ўрганиб, "аъло" баҳони қўлга киритадилар. Шу тариқа хар бир талаба ўз имконияти даражасида илгарилаб бораверади.
4. Хуллас, хар қандай аудиторияда ўзбек тилини ўрганиш жараёнида ўзбекча бадий асарлардан фойдаланиш тил ўрганиш самарадорлигини ошириши тайин.

Кундузхон ХУСАНБОЕВА, педагогика фанлари доктори

Таълим жараёнида илгор педагогик услуб ва технологиялар, таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланилиши ўзига хос ижобий натижалар бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу маънода мен ҳам она тили ва адабиёт фани дарс ва машгулотларида ўқитишнинг ноанъанавий усуллари(гуруҳларга бўлиниб ишлаш, суҳбат, пинборд, кластер, ҳамкорликда ўқитиш)ни қўллаб ижобий натижаларга эришялман. Бундай усуллар қўлланилган хар бир дарс ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш бораборида эстетик дидини шакллантириб, ижодкорлик иштиёқини оширишига амин бўлдим.

1. Шахс отлари ("Ўқувчи" гуруҳи).
 2. Нарса-буюм отлари ("Ҳазина" гуруҳи).
 3. Урин-жой отлари ("Ватан" гуруҳи).
 4. Фаолият-жараён отлари ("Қатъийлик" гуруҳи).
 5. Мавҳум отлар ("Меҳр" гуруҳи).
- Бу рўйхатни яна давом эттирсак бўлади. Сифат, сон, олмош, феъл, равиш сўз туркумлари бўйича ўқув

ижодкорлигини оширади, асар ҳақидаги тушунчаларини бойтади. Янги инновацион усуллардан яна бири "Пинборд"(пин — ёпиштириш, борд — доска) ҳисобланади. Бунда бизга ёпишқоқ қоғозлар(стикерлар) асқотади. Абдулла Қодирий асарларини стикерларга ёзиб чиқамиз ва ўқувчиларга уларни жанрлари бўйича ажратиш вазифасини топшираемиз.

- Романлар** "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён".
- Қисса** "Обид кетмон".
- Ҳикоялар** "Улоқда", "Жувонбоз", "Жинлар баъзи".

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

қўлланилган хар бир дарс ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради


машгулотларида ҳам шу усулни қўллаб, юқоридаги сўз туркумларининг маъно турлари бўйича ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, улар фаоллигини ошириш мумкин. Адабиёт дарсларида ҳам шу усул яхши самара беради. Масалан, Фитрат ижоди бўйича дарс олиб борилганда ўқувчиларни кўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Фитратнинг ҳаёт йўли.
2. Фитрат — шоир.
3. Фитрат — олим.
4. Фитрат — драматург.
5. Фитрат — педагог.

Ўқувчилар ижодкорнинг хар хил соҳадаги фаолиятини ёритиб берадилар, баҳолайдилар. Бу усул ўқувчилар фаоллигини ошириш бораборида мавзунинг чуқур ўрганилишига ёрдам беради.

Шеърлар "Туй", "Аҳволимиз", "Миллатимга", "Фикр айлагил".
Драма "Бахтсиз кувё".
Шунингдек, бу усулни қўллаб, "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романи қаҳрамонларини ҳам аниқлаш имкони туғилади. Масалан: **"Ўткан кунлар" қаҳрамонлари** Отабек Кумуш Зайнаб Юсуфбек ҳожи

Қози Низом Юқоридаги қаҳрамонлардан ташқари, иккала романда ҳам Худобёрхон тимсоли борлигини ўқувчиларга таъкидлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки олий таълим муассасаларига кириш имтиҳони, яъни тест синовларига шу савол ҳам киритилган. Она тили ва адабиёт дарсларида қўллаш мумкин бўлган яна бир сермаҳсул усул "кластер" усулидир. Бу усул ўқувчини ижодкорликка чақиради, у изланади, ўйлайди, таҳлил қилади. Мисол тариқасида хар хил мавзуларга оид кластерлардан намуналар келтирамиз:



1. Отабекнинг Марғилондан уйланишига қандай муносабат билдирасиз?
 2. Отабек ва Ҳасанали муносабатларига изоҳ беринг.
 3. Кумушнинг ўлимига ким сабабчи деб ўйлайсиз?
 4. Отабекнинг Зайнабга нисбатан муносабатини оқлайсизми?
 5. Анвар ва Раъно Тошкентга қочиб кетиб тўғри иш қилишдимми?
 6. Абдурахмон домлани оқлаш мумкинми?
 7. Солиҳ маҳдумнинг Худобёрхон тақлифига рози бўлганини қандай баҳолайсиз?
 8. Раънонинг ёки Зайнабнинг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутадингиз?
- Бундай саволлар ўқувчиларнинг

Қисқаси, она тили ва адабиёт фани дарсларида янги инновацион технологиялардан фойдаланиш ўқувчилар фаоллигини ошириш билан бирга, ўқув машгулотларининг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Ирода ИШОНХОНОВА, Дилфуза САЪДУЛЛАЕВА, Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицей ўқитувчилари

Sinab ko'ring

Ўзбек олим Мирзакарим кутидор Офтоб олим Ҳасанали Ойбодоқ Уста Олим Ҳомид Содик Мутал Жаннат Ханифа Нигорхоним Моҳларойим Султонали Абдурахмон домла "Меҳробдан чаён" қаҳрамонлари Анвар Раъно Солиҳ маҳдум Маҳмуд Масъуд Қобил Раҳим Сафар бўзчи Гулшан Нодира

Мен фаолият кўрсатаётган Кармана туманидаги 25-махсус мактаб-интернатда эшитишида муаммоси бор болаларга билим берилиб, ижтимоий ҳаётга аста-секин мослаштириб борилади. Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашда илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқитувчи-тарбиячилар касбий маҳоратида муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда махсус таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар биз педагогларни ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга, ижодкорликка ундамоқда.

Эшитишида муаммоси бор тарбияланувчиларда илк ёш давриданок ўзига хос руҳий жараён кечади. Улар эшитмаслиги ёки заиф эшитиши натижасида сўзлашув нутқини мустақил эгаллай олмайдди. Нутқи шакланмаган бола эса билим олишда қийналибгина қолмай, шахсий хислатларининг шаклланиши ҳам осон кечмайди. Бу эса уларнинг ижтимоий ҳулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиришини

Maxsus ta'lim

тарбиячи ўртасида ишончли муносабат шаклланади.

Ижтимоий кўникмалар ўқув фанига оид материалларга жуда боғлиқ бўлмай, асосан тарбия жараёнида таркиб топади. Машгулот ва тадбирларни, уй вазифасини тайёрлашга ажратилган соатни ҳам тренинг кўринишида олиб боришга

чи, нима учун болаларга бундай шароитлар яратиб берилмоқда?

Болалар: — Чунки ёшлар келажак эгаларидир.

Тарбиячи: — Раҳмат, бола-жонлар! Ана энди сизлар билан «Ўзбекистон ёшларига хос хислатлар» мавзусида сўз юритамиз. Аввал гуруҳларга бўлиниб олсак.

2-қадам. Хар бир ўқувчи тескари ҳолда таклиф этилган карточкадан бирини танлайди.

3-қадам. Болалар танланган карточкалардаги шаклларга қараб гуруҳларга бўлинади.

4-қадам. Доскага аввалдан флипчарт қоғозига ёзиб, тайёрлаб қўйилган мавзу осилади ва тарбиячи болалар диққат-этиборини топшириққа жалб қилади.

5-қадам. Доскага қуйидаги топшириқ осиб қўйилади:

— Сиз ёшлар қандай шахсий хислат, одатларга эга бўлиши лозимлигини расм ёрдамида

ЎҚУВ КУРСИДАН — АМАЛИЁТГА

чегаралайди. Демак, болалар ижтимоий ҳаётни тор даражада тушуниб, дунёқарашни паст бўлиб қолмаслиги биз педагог-мураббийларнинг маҳоратимизга боғлиқдир.

Махсус таълим соҳасида ишлаш бошлаганимдан сўнг фаолиятимда юзга келган муаммоларга ечим топиш, енгил истаги мени Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ташкил этилган сурдо-педагогика йўналишидаги касбий қайта тайёрлаш курсига етаклади. Олий маълумотли педагогларни кар ва заиф эшитувчи болалар билан пухта ишлашга тайёрлашни кўзда тутичи мазкур қисқа мuddатли курс амалиётчи ўқитувчиларни соҳага оид энг зарурий билим билан қуроллантиришга мўлжалланган. Гуруҳдошларимиз билан соҳанинг етук мутахассислари ва амалиётчилари ўқув машгулотларида катнашдик. Педагогика фанлари доктори Н.Раҳмонқулова, доцентлар У.Файзиёва, Д.Назарова, Ф.Қодирова, О.Авлалов, М.Пўлатхўжаева, Д.Фулмова билан машгулотлари ўз фаолиятимизга муносабатимизни кескин ўзгартирди. Сурдопедагогика ва унинг тарихи, махсус таълим тизими ходимларининг бурч ва вазифалари, муассасаларимизнинг жамият тараққиётида туганган ўрни ҳақидаги фикрлар шахсан мен учун янгилик бўлди. Мен энди аввалгидек болаларга «қараб турувчи» эмас, уларни «мустақил ҳаётга йўлловчи» бўлиш учун нималар қилиш кераклигини билсам.

Илгари гуруҳга болани қабул қилиш ва тарбиалашдан мақсад имо-ишора нутқини ривожлантириш, деб ҳисоблаган бўлсам, энди илк кунданок боланинг руҳиятини ўрганишга эътибор қаратиш кераклигини тушундим. Бу технология хар бир боланинг кўнглига йўл топишга ёрдам берар экан, Ички дунёси, шахсий кечинмалари, катталар томонидан эътироф этилса, шахс сифатида тўлиқ тан олинсагина, тарбияланувчи ва

ҳаракат қилаётган. Бундай машгулотда барча болалар фаол иштирок этиб, шахслараро дўстона, барчанинг тенглигига асосланган муносабат ўрнатилди, ижтимоий кўникмаларни эгаллаш учун қўлай шароит юзга келади. Тренинг-машгулот мавзуси олдиндан лойиҳалаштириб қўйилади. Барча болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш, бир-бирининг фикрини ҳурмат қилиш учун имкон яратиш муҳим.

Қисқа мuddатли ўқув курсини ўтаганимдан сўнг педагогик фаолиятимдаги бир қанча масалаларнинг оқилона ечимини топдим. Курсда олган билимларим асосида махсус таълим муассасалари тарбиячилари учун ишланма яратдим. Институт профессор-ўқитувчилари ишланмани амалиётда қўллаш мумкинлигини эътироф этди.

Тарбиявий машгулот

Мавзу: Ўзбекистон ёшларига хос хислатлар.

Мақсад: тарбияланувчиларнинг ўтган машгулотда олган тушунарларини мустаҳкамлаш, мустақил Ўзбекистон ёшлари олдига қўйиладиган талаблар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Тарбияланувчиларнинг ўзаро мулоқотини ўрната олиши, жамоада бирга ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

Воситалар: маркер ёки фломастер (хар бир гуруҳ учун 1тадан қўқ ва 1тадан қизил), ёзув қоғози (А 4 ўлчамли), флипчарт қоғозлари, учбурчак, тўртбурчак, айлана, куб, овал, кўпбурчак шакллари билан бири чизилган карточкалар, скотч, сўз ва жумлалар ёзилган тахтачалар. Машгулотнинг бориши.

1-қадам. Болаларнинг диққат-эътибори аввалги машгулотда ўрганилган мавзунинг такрорлашга қаратилади.

Тарбиячи: — Болалар, биз аввалги машгулотда қандай мавзунинг ўтгандик?

Болалар: — Жонажон Ватанимизда биз, ёш авлодга яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўхбатлашган эдик.

Тарбиячи: — Раҳмат! Айтинг-

белгилаб чиқишингиз керак.

Топшириқни бажаришга 10 дақиқа, тақдирот учун эса 3—5 дақиқадан ажратилади.

Хар бир гуруҳга биттадан флипчарт қоғози, биттадан қизил ва кўк рангли маркер тарқатилади.

6-қадам. Флипчарт қоғозда боланинг шахсий инсоний хислатлари расмлар орқали акс эттирилади. Топшириққа ажратилган вақт тугагач, тўхтатишни билдирувчи белги(ишора, сигнал) берилади.

7-қадам. Гуруҳлар тақдироти навбатима-навбат ўтказилади. Тақдирот мобайнида гуруҳлар бир-бирларини ўзаро назорат қилиб боради.

8-қадам. Фаоллар рағбатлантирилади.

9-қадам. Тарбиячи машгулотни якунлайди.

Доскага аввалдан тайёрланган флипчарт қоғози осиб қўйилади ва тарбияланувчилар иштирокида жўр бўлиб ўқилади.

Мазмуни: мустақил ҳаётга қадам қўювчи хар бир ўсмир қуйидаги хислатларга эга бўлиши керак:

- * Она Ватанимиз — Ўзбекистонни яхши кўрадиган;
- * ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини англайдиган;
- * оила аъзолари, ўқитувчи ва мактабдошларини ҳурмат қиладиган;

- * атрофдагилар билан ҳушмуомаллада бўладиган;
- * ўз соғлиги ҳақида ғамхўрлик қила оладиган;
- * салбий одатлардан ўзини ҳимоя этадиган;
- * ўзи хоҳлаган касбни пухта эгаллаган;
- * ўз мактаб-интернатини севадиган ва доимо эслаб юрадиган.

Эслатма: тарбиячи машгулотни якунлар экан, мавзунинг ёзма шаклини эслатиб, яна бир қарра доскага ишора қилади. «Инсоний хислат эгаси бўлиш учун нима қилиш керак?» деган саволга ёзма жавоб тайёрлаб келиш уйга вазифа қилиб берилади.

Феруза ТОШЕВА,
Кармана туманидаги
25-махсус мактаб-интернат тарбиячиси

ЭНГ ГАВЖУМ МАСКАН

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги вилоят ахборот-ресурс марказига қачон борманг, кутубхона ўқувчилар билан гавжум бўлади.



Деворларга бор

Kutubxona—nurxon

бўйбасти билан чизилган эртақ ҳаҳрамонлари болалар хонасига ўзгача зеб берган. Ўқув заллари китобхонларнинг ёш хусусиятига кўра жиҳозланиб, адабиётлар мавзулар бўйича тартибланган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, кутубхоналар фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Вилоят болалар кутубхонасига ахборот-ресурс маркази мақоми берилгач, бу маскан хизматидан фойдаланувчилар сафи янада кенгайди.

— Ҳозир муассасамизда 16 мингдан зиёд маълумотлар базаси мавжуд, — дейди марказ директори Авазбек Қўлдошев. — Фойдаланувчиларга интернет, «ZiyoNET» тизими ҳамда маълумот библиография аппарати ёрдамида намунали хизмат кўрсатилаёти. Китобхонлар Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази сайти ва www.andijonvrm.uz электрон базасига кириб, керакли маълумотларни олиши ҳамда буюртма бериши мумкин. Электрон кутубхона марказида 13та замонавий компьютер, нусха кўчириш аппарати ва бошқа техник жиҳозлар аҳоли хизматида.

Андижон шаҳридаги барча маҳалла, мактаб, мактабгача таълим муассасалари ҳамда вилоятнинг чекка қишлоқларида кўча кутубхона ташкил этилаётгани аҳолининг вақтини тежаб, янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишига имконият яратмоқда.

Изланувчан жамоа фаолиятини янада такомиллаштириш, илгор тажрибаларини ўрганиш мақсадида, қолаверса, марказнинг ярим асрлик тўйи муносабати билан яқинда назарий-амалий конференция ўтказишни режалаштирган.

Орифжон СИДДИҚОВ



Зухриддин УМРЗОКОВ (Ўза)
олган суратлар.

2014-yil 15-oktabr, № 83 (8732)

Менинг бир одатим бор. Тўғриси, бу одатдан баъзида воз кечгим келади. Ундан кўпроқ ўзим азият чекаман. Янги сотиб олган нарсаларни бошқаларники билан солиштираман. Бунинг нимаси ёмон, дейсизми? Ҳамма гап шунда-да! Сотиб олган буюмим бировникидан қолишмасам-ку, хўп-хўп. Сифатсиз ёки қимматга олинган бўлса, бир неча кун ичимда ўт ёнади. Аслида, бундай қилиш керак эмас. Бир дугонамдек бўлиш керак бу борада. У бирор буюм ёки кўйлак харид қилдим, чар энига ҳам, ўнг энига ҳам қарамай, ҳеч нарса ҳақида ўйламай, тўғри уйига кетади. Насибамдан ортгани оларимдими, деб бировларники билан солиштириб, афсусланиб юрмайди. Ҳа, унга ҳавас қилиш керак.

Солиштиришнинг турлари кўп. Масалан, китобларни савия, тил, услуб, муқова, ўқишлилик каби жиҳатлардан солиштириш мумкин. Кийимларни эса ранги, матоси, сифати, нархи ва бошқа тарафлари билан таққосласа бўлади. Одамларни-чи? Уларни кийиниши, муомаласи, маданияти, маънавияти, тарбияси... Эҳ-ҳе. Бу қаторни яна давом эттирсак, айтмоқчи бўлган фикрдан узоқлашиб кетамиз. Китилар бир-бирига солиштиришларида. Бу — табиий жараён. Ходимлар ўртасидаги солиштириш соғлом рақобатни юзага келтиради. Рақобат бор жойда ўсиш бўлади. Унда нима муаммо, дейсизми? Мен бугун солиштиришнинг ижобий жиҳатларини санаб вақтинчалик олмақчи эмасман. Унинг оқибати тўғрисида озгина фикрлаб кўришга қақирмоқчиман, холос. Ўйлаб кўринг, фарзандлар ўртасида солиштирув нималарга олиб келади. Ўқувчилар орасидаги таққослашлар-чи? Саволлар эришдек туюлиши мумкин. Аммо келтиришга мисоллар — ҳаётий!

Биринчи мисол

Ота-она ишдан кеч, унинг устига чарчаб келган маҳал ўғил дафтари кўтариб уларни қарши олади. Сарвар ўзи ақли, фаросатли, тиришқок бола. Аммо негадир математик мисолларни ечишга келганда мисси ишламай қолгандек бўлади. Бор имкониятини ишга солса ҳам, тўғри жавобни топа олмайди. Унга кимдир тушунтириб юборса эди, ўзи дарров жавобни чиқариб кўярди. Бу гал ҳам у ота-онасидан умид қилиб дафтари очганди. Фарзандининг шу оддий нарсани ҳам билмаётганини кўриб, ота тутоқиб кетди: "Шуни ҳам билмайсанми, овсар?!". Бунга она кўшимча қилди: "Ана, кўшимизнинг ўғли Дилмурод. Сен билан бир йилда мактабга борган. Ёши ҳам, бўйи ҳам тенг. У яхши ўқиб, билимлар беллашувда ҳам қатнашди. Сен эса оддий мисолларни ечолмайсан..."

Сарвар бошини эгганча хонани тарк этди. Ота-она дастурхон атрофида бугунги кун асаббозарликлари, ишхона муаммоларини муҳокама қила кетди. Тўғри, бола ҳақида ҳам гурунқ бўлди. Падаур волида ўз жигарбандини ёмонлашдан нарига ўта олмади...

Иккинчи мисол

Бу ҳолат кўпчилиكنинг оиласида учраса, ажабмас. Фарзандлар бир қориндан талашиб тушса ҳам, характери, қобилияти турлича бўлар экан. Мархабо опанинг касби ҳисобчи. Неча йиллар туман касаба уюшмасида ҳисобчилик қилган. Ҳар соҳада ҳисоб-китобни жойига қўяди. Бир қиз, бир ўғли бор. Мархабо опа ҳалол киши-ю, лекин баъзи масалаларда тороққ мулоҳаза юртади: инкалла фарзандининг ҳам ҳисобчи бўлишини истайди. Қизи онасининг йўлини танлади. Ҳозир молия йўналишида таҳсил ола-

нафрат уйғонса-чи. Мана бу Мархабо опанинг, бутун оиланинг катта муаммоси бўлиши турган гап...

Учинчи мисол

Ўқитувчи бўлиш осон эмас, ўқувчи бўлиш ҳам. Муаллим турли тоифадаги болаларга билим бериш йўлида толса, ўқувчи ҳам турли феъл-атвордаги ўқитувчилар "қўлидан ўтади".

Сожида бу йил бешинчи синфга ўтди. Уни синф сардори этиб тайинлашди. Лекин негадир хурсанд эмасди. Тўғри, бунга эришиш учун тинмай ҳаракат қилган: яхши ўқиган, тadbирларда фаол қатнашган. Лекин негадир чиройи очилмасди. Бундан онасининг юрагига гўлгула тушди. Қизининг кўнглига кўл солиб кўрди. Кейин билса, синф раҳбари уни менсимай, аксинча, олдин синф сардори бўлган ва ҳозир дадаси харбий бўлгани боис бошқа шаҳарга


экан. Собиқ синфбоши Маҳлиё ҳам ўртамаёна ўқувчи бўлган, муаллима эса Сожидага атайин уни мақтайверган, у билан солиштираверган. Ўқувчини синф сардориликдан совитиш учун шундай йўл тутганми ё бошқа мақсадни кўзлаганими, бу ёни қоронги. Ким билади, дейсиз...

Эшитишимча, Сожида синфбоши бўлишдан бош тортган. Кейин бошқа мактабга ўтиб кетган. Муаллиманинг қизи сардорликка лойиқ кўрилмаган. Унинг ўзи эса бир неча бор ҳайфсан олиб, дарсларни яхши ўтолмагани боис ишдан бўшатишган. Ҳақиқат бир кун юзага чиқди. Аммо эндигина катта ҳаёт оstonасига қадам қўйётган қиз қалбида кўрқув, ҳадик доғлари қолди. Бирор масъулиятли вазифани бўйнига олишга чўчиб қолди. Ўзига нисбатан ишончи сусайди...

— Солиштириш, таққос-

«ЭРТАГА БУГУНГИДАН ҲАМ ЯХШИ БЎЛАСАН!»

ёхуд бола тарбиясида таққослашнинг ўрни



Н.БОЙМУРОВА сурати.

япти. Ўғли эса... Шу ҳақда гап бошланса, Мархабо опани танимай қоласиз: ўғлидан у дунёю бу дунё рози эмаслигини айтиб нолишни бошлайди. Кейин қизи билан эринмай солиштиради. Ўғил бечоранинг ҳисобчиликка эмас, санъатга ўқуви бўлса, нимаси айб? Ахир санъатга меҳр, талант, истеъдод ҳар кимга ҳам ато этилавермайди-ку?!

"Йўқ, ўғлим ҳам ҳисобчи бўлиши шарт!". Хомсут эмган бандамиз-да. Ҳамма нарса биз хоҳлагандек бўлишини истаймиз. Балоғат остонасидаги ўғилнинг кўнглидан нималар ўтапти экан, бунинг йўлида кўринг-а. Хар куни бир хил гапни эшиттавериш, нуқул математик опасига таққосланавериш ўғилни қандай инсонга айлантираётган экан. Онасидан-ку, ҳафа бўлмас. Нима бўлганда ҳам волидаси. Аммо опасига нисбатан

кўчиб кетган Маҳлиёни мактабга олиб келди.

"Нуқул Маҳлиёни айтаверади, — ниҳоят ёрилда қиз онасига. — Ҳеч бир қилган ишимни маъқулламайди. «Унинг бўй-баста ҳам чиройли, сен эса хунуксан. Шунинг учун синфдошларингизни эргаштира олмайсан, дейди. У ўқишда ҳам, ташкилий ишларда ҳам фаол бўлган, сен эса фақат ўқиш билан оворасан», дегани деган. Нима қилай, ойижон?.."

Онаизор мактаб психологига бориб учрашади. Масалани овоза қилмасдан ҳал этишга келишиб олишади. Психолог синф раҳбари ва синф сардори ўртасидаги зиддият сабабини ўрганишга киришади. Кузатувлардан маълум бўлишича, ўша синфда ўқитувчининг қизи ҳам ўқир экан. Лекин унинг иқтидори синф сардорлиқка қанчалар лойиқ, Сожида бунга ҳар томонлама мос бўлган

лаш ўсишга, тараққийётга олиб келади, — дейди Хусния Рўзибоева. — Унинг фақат салбий томонларини санаш ўринли эмас. Масалан, мени кўшимизнинг мен билан тенгдош қизига солиштиришарди. "Қизим, тур, ана Меҳрибон аллақачон уйғониб, ҳовлисини супуриб бўлди. Сен ҳалиям ётибсан". Ҳар куни шу гапларни эшитиб уйғонардим. Бора-бора ундан эртарақ уйғониб, ундан олдин эшик супуришга интиладиган бўлдим. Орадан йиллар ўтди. Биз бир институтга кирдик, ўқидик. Кейин билсам, унда ҳам шу ҳолат бўлган экан. Унинг ота-онаси мени мисол қилиб кўрсатар, қизини эрта уйғотишда мен билан солиштирган экан. Бу бизда эрта туриш, уй ишларини кимўзарга бажариш кўникмасини шакллантиришда бир восита бўлган экан.

Dolzarb mavzu

Педагог ва психолог фикри

— Иш тажрибамдан шуни айтишим мумкинки, болани ҳеч қачон ўз тенгдошига солиштириб бўлмайди, — дейди Тўртқўл туманидаги 30-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ирода Файзуллаева. — Шусиз ҳам болалар ўртасида ички рақобат бор. Синфдошлар орасида биринчи бўлишга, ҳамманинг эътиборини тортишга мойиллик кўчи. Биз педагоглар қайсидир тенгдоши билан солиштирсак, унга нисбатан муносабати ўзгаради. Мақтасак ҳам, камситсак ҳам, тарбия томонга оғиб кетади. Меъёрни сақлаб туриш учун ўз тенгдошлари эмас, балки кўпчилиқка таниш, мактаб ёки туман фахри бўлган, катта ютуқларга эришиб келадиган ака-опаларини намуна қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

— Бола ўзидан кучлироқ, билимдонроқ тенгдошига доим солиштирилаверса, ундан ўзишга интилиб яшайди, — дейди психолог Ганжи Панжиев. — Доим рақобатда бўлади. Бу бир томондан яхши, албатта. Бола яхши ўқишга, тенгдошидан кўра яхши натижаларни кўлга киритишга, шу аснода жамиятда ўз ўрнини топишга интилади. Танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бола тинмай рақобатда яшаса, кун келиб бундан чарчайди. Ахир, ўйлаб кўринг, ҳаётимиз фақат рақобатдан иборат эмас-ку! Тенгдошидан ҳар соҳада ўзишга интилиш болани зўриқишга олиб келади. Шунинг учун бу борада ўта эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозим...

Японлар қандай йўл туттади?

Бу борада улар болани тенгдошига ёки бошқа бирорва солиштирмас, боланинг ўзини ўзига солиштирган экан. Яъни улар шу сўзларни айтишади: «Кеча сен «уч» баҳо олгандинг. Майли, ҳечқиси йўқ. Бугун яхшилаб ўқиб борсанг, «тўрт» баҳо оласан. Ўз устингга ишлашдан чарчамасанг, эртага бугунгидан ҳам яхши бўласан!».

Ҳаётимизда идеал тушунчаси бор. Бола тарбиясида унинг роли катталигини барчамиз билаемиз. Жамиятда ўз ўрнини топган шахсларни намуна сифатида кўрсатиб, унинг хислатлари билан фарзанднинг фазилатларини қиёслаш бу — ўз йўлига. Аммо фарзандим бирор нарсага эришсин, ҳаракат қилсин, деб ким биландир рақиб қилиб қўйиш нотўғри. Бирини алқаб, бирини ёмонлаш таълим-тарбия илдизига болта уриб, бола руҳиятини синдиради, холос.

Сохиба МУЛЛАЕВА

Кўринишидан одатий юк автомобилнинг ўзи: резина қопламали гилдираклари бор, чамбараси, ҳайдовчи кабинасига эга, йўл ёриткичи чироқлари, улкан юк ортиш мосламаси(агдарма багаж) мавжуд. Аммо улар на шахарда юра олади, на улкан трассаларда ҳаракатланади. Шунингдек, унда қимнингдир дала ҳовлисига, томорқасига шағал, тош ёки бошқа қурилиш материалларини ташиб бўлмайди. Уларни фақат ва фақат улкан конларда, бедад маъданлар бағрида учратиш мумкин. Ҳар бирининг қуввати минглаб от кучига тенг бу гигант машиналар бир кўтаришда юз тонналаб юкни «кўрдим» демайди.

Фойдалани қилишадир — мамлакатлар жазиродаётида юксак аҳамиятга эга. Маълумки, бир килограмм қимматбаҳо металл олиш учун тонналаб тош, кум ва бошқа металл бирикмалари қазиб олинади. Уларни қондан корхона ва заводларга олиб келиш ҳам улкан харажат талаб этади. Гигант машиналарнинг ихтиро этилиши ана шу муаммоларга сезиларли даражада ечим бўлди, дейиш мумкин. Бундай улкан юк автомобиллари барча оғирликни ўз елкасига олиб, инсонлар оғирини енгилатишга хизмат қилмоқда.

Айни кунларда мутахассислар улкан юк машиналари ишлаб чиқарувчи заводларга гигантларни одатий автомобиллар сингари ихчам ва қулай қилиб ишлаш бўйича янги дизайнларни тақлиф этмоқда. Бироқ улар 10 эмас, ҳатто 100 эмас, нақ 350 тоннадан зиёд тоғ жинсларини елкасига ортиб, манзилга элтади.

Ана шундай гигант автомобиллардан бири «Титан 33-19» ҳисобланади. Унинг илк чизмаси машҳур «General Motors» компанияси томонидан 1968 йили тайёрланган, бироқ дастлабки нусхани яратиш учун 7 йил сарфланган. 1974 йили Калифорния штати жанубидаги тоғларда очилган қазилма ишларида синондан ўтказилган.

Унинг орқа гилдираклари айланишидан қувват олувчи тўртта электрли мотори мавжуд. 350 тонна юк ортилган бесунақай машина манзилига (1 соатли масофа) етиб олиш учун сарф этилган электр қуввати қиёсланса, 3200та уйни (1 соат мобайнида) электр энергияси билан таъминлашга етар экан.

Бу ҳам ҳаммаси эмас. Сўнгги пайтларда шундай юк машиналари яртилаптики, шунчалик келбатлигидан қончилар уларни қандай қилиб тўлдиришни билолмай қоляпти. Бир неча йил илгари Фабр оммавий ахборот воситаларида дунёдаги энг йирик юк машиналари тўртлиги эълон қилинганди. Қуйида ана шу «полвон»лар билан танишинг.

4-ўрин:

«Komatsu 930E-3SE»

Мазкур машина япон муҳандислари томонидан яратилган энг йирик ва оғир техника воситаси ҳисобланади. «Komatsu»нинг тўла вази 504 тоннани ташкил этади. 18 цилиндрли турбодизель двигател қуввати 3500 от кучига тенг. Автомобилнинг узунлиги 15,5 метрдан кам эмас. Ахир у 290 тоннагача юк кўтариши мумкин. Катерпилл (двигателларнинг мой турадиган, айни вақтда уларни шикастланшидан, чанг-ғуборда сақлайдиган қутиси) 340 литр мотор мойини «ямламай ютади». Двигател советиш системасига эса нақ 719 литр антифриз қуйилади.

Агар одатий юк машиналаридек двигател маховиги узатмалар қутиси орқали олдинги

гилдиракларга улган бўлса, гигантларда юк кўтариш механизми ўзгача андоза асосида ишланган. Яъни, автомобиль двигатели барча қувватини механик трансмиссия(двигателнинг ҳаракатини ёки айланишини гилдирак ва тасмалар орқали бошқа механизмларга узатувчи махсус қурилма)га эмас, балки ўзгарувчан ток генераторига сарфлайди ва юк кўтариш учун мосланган электрли моторларни ҳаракатга келтиради.

пайтда юк кўтарувчи электрли моторлар генераторлар бошқаруви усулига ўтади ва улар асосий ишни бажарадиган резисторлар учун электр энергиясини иссиқликка айлантириб беради. Бунда резисторлар учун ўртача 2900, жуда ошиб борса 4000 киловатт электр қуввати керак. Тўхтаувчи тизим — резисторлар қуруқ тормозловчи дискларни омбурдек сиқиди ва автомобиль юки билан жойида тўхтади.

3-ўрин: «БелАЗ 75600»

Мазкур автомобилнинг бир соат ҳаракатланиши учун деярли 500 литр дизель ёнилғиси талаб этилади. Стандарт бакига эса 4375 литр ёнилғи сиғиши мумкин. Бироқ аксарият ҳолларда техника хавфсизлиги инobatга олинми, юк вази 300

345 тонна юкни жойлаш мумкин. Гарчи кўринишидан одатий автомобиллардан сира фарқ қилмаса-да, «Катерпилл» бошқа гигантлардан ажралиб турувчи конструкцияга эга.

24 цилиндрли двигателнинг қуввати 3550 от кучи ёки 16 минг Ҳьютон метрга тенг. Ушбу двигател ишчи ҳажми 117 литрни ташкил этади. Муҳандислар бундай мотор яратиш учун иккита 12 цилиндрли «Cat 3512B» двигателни олиб, бирлаштирди. Натихада у «БелАЗ»ни 4 от кучига ортда қолдирди. Ёнилғи қуйиш баки 6800 литр ҳажмга эга.

Калта қарданвали орқали ҳаракатланадиган двигателнинг узатмалар қутиси бу борада дунёдаги энг улканидир! Гидромеханик қоробка (қутича) 7 поғонали ва компьютер орқали бошқарилади.

Америкаликларнинг мазкур гигант машиниси жуда қimmatли электроникалаштирилган санокли юк ташиш воситала-

тади. «Liebherr» машиналарининг мазкур русуми яратилиши билан асосий рақобатчилар сезиларли даражада орқада қолиб кетишиди. Шу вақтгача энг улкан дея саналган америкаликларнинг «Катерпилл»ни 50 тонна энгил чикқач, қолган юк автомобиллари сукут сақлашди.

Автомобил иккита двигател билан таъминланган. Шунингдек, «Cummins QSK 78» фирмасининг вази 11300 килограмм бўлган 18 цилиндрли ёки «Detroit Diesel»нинг 90 литр ҳажмли, 3650 от кучига эга, нисбатан энгилроқ ва қудратли «Йигирматали» двигателидан фойдаланилган. У барча замонавий фан-техника янгиликлари: кузоонинг ҳолатини кузатиб туриш учун видеокамера, аудиоманитофон, кондиционер билан жиҳозланган.

Зўрдан зўр чиқаради

Буни қарангки, тиниб-тинчимас «БелАЗ» муҳандислари ўз рақибларидан ортда қолишни истамади. Қисқа вақт ичида баҳайбат автоларнинг янги авлодини чиқара бошлашди. У ўзидан аввалги «рекордчи»ларни чангиде қолдириши шарт эди. Натихада ҳатто уларни юки билан бирга кўтариб юришга қодир автомобиль яратилди!

Ахир 450 тонна юк кўтарган гигант машинани яна нима деб таърифлаш мумкин? Унинг «елкаси»га «Титан»га қараганда 90 тонна кўпроқ шағал ортса бўлади.

Бир қанча вақт аввал «БелАЗ-75601» модели ва швейцарияликларнинг «Liebherr» компаниясида ишлаб чиқарилган Т282В модели тенгсиз дея саналган бўлса, энди «БелАЗ»нинг янги — 75710 модели яқка пешқадамга айланди. Уни қуруқликда юрвчи гилдиракли «Титаник» дейиш мумкин.

«Белта» ахборот агентлиги берган маълумотга кўра, мазкур баҳайбат автога иккита дизель двигатели ўрнатилган. Умумий қуввати 8500 от кучига тенг! Эътиборлиси, ушбу механизмлар машинанинг орқа гилдираклари айланиши бошлагач, деярли ишламайди. Балки гилдиракларнинг айланиши эвазига ток жамғарадиган электрли моторлардан қувват олиб, ўз ўзини озиқлантираверади. Бундай ишга бир маҳаллар «BMW I3» машиниси муҳандислари ҳам қўл урган. Натихада катта ҳажмдаги ёнилғи тежаб қолинади. Мазкур юк машинанинг тезлиги 64 км/соатни ташкил этади. Фақат бир нарсани ёддан чиқармаслик керак, тўлатиб юк ортилган, унинг вази 810 тоннага етади.

Ҳа, бундай транспортларни бошқариш осон эмас. Уларнинг кабинасига кириб, ўт олиришга ва ҳайдашга унчунчун одамнинг юраги бетламайди. Боиси, ер икки қаватли уй деразасидан қараётгандек ваҳимали кўринади. «Автоматхўк»лар исталган вақтда исталган кишини эсдан оқдириб қўйиши мумкин. Худди уларни одам боласи эмас, эртакларда тилга олинмаган улкан девлар бошқарадигандек таассурот уйғотади. Аммо ана шу инсон ақлу заковати маҳсули бўлмиш «динозавр»ларнинг неча юзтасини айнан одамлар тоғу тошлар бағрида чоптириб юрилди.

3.ЮЛОБ Тайёрлади.

БАҲАЙБАТ ВА БАҚУВВАТ АВТОЛАР

улар инсонлар оғирини енгиллатишга
хизмат қилмоқда



Юк ташувчи машинанинг ҳажми жуда катта. Унга ўртача уйлари юклаб, бемалол бир жойдан бошқа гўшага ташиш мумкин. Орқа «оёқ»лар билан «бир тану бир жон» қилиб ишланган электродвигателлар 63 доймга тенг гилдиракларни тўғридан-тўғри айлантира олмади, балки ҳар бири 95 литр суюқлик талаб этувчи ихчам редукторлар(бир-бирига тегиб турувчи тишли гилдираклар) ёрдамида ҳаракатга келади.

«Komatsu» шундай кучли механизми борлиги учун ҳам соатига 64,5 километр тезлик билан юра олади. Аммо газ педалини босишдан аввал бир бошқарувчи томонини ҳам унутмаслик керак. Уни елдек чоптириш осон, тўхтатиш эса бироқ асабини синайди. Буни уч тизим, яъни асосий, ёрдамчи ва тўхтаувчи тизимдан иборат гибрид тормоз системаси бажаради.

Асосий тизим — гидравлик бўлиб, олд ва орқа гилдиракларни алоҳида-алоҳида тўхтатиш ва тормозловчи дискларни мой билан совутиш жараёнидир. Контурдаги тормоз суюқлигининг максимал босими 172 атмосферани ташкил этади ва тўхташ вақтида автомобиль камида 10 квадрат метрга сирпаниб боришига тўғри келади! Демак, биргина шу система билан баҳайбат автони жиловлаб бўлмас экан. Шундай кўнгилсиз ҳолатнинг олдини олиш учун иккинчи — ёрдамчи тизим ишга тушади. У тўхтатишнинг электродинамик тизими деб аталади. Бу

тоннадан оширилмайди. Шундай бўлган тақдирда ҳам «БелАЗ»нинг мазкур русуми гилдиракларига жами 560 тонна оғирлик тушаркан!

Ажабланирлиси, унинг узунлиги японларнинг машинисига қараганда камроқ — 14,9 метр. 18 цилиндрли, V намуна асосида ишланган «Cummins QSK78-C» турбодизели 77,6 литр ҳажмга эга. Двигателнинг номинал қуввати 3546 от кучига тенг бўлса, у ишга тушган, бу кўрсаткич янада ортда. Қуцлантирувчи қурилма — ўзгарувчан ток генератори ва «Сиеменс» фирмасида ишлаб чиқарилган, қуввати 1200 киловаттга тенг иккита юкортар электр двигатели комбинациясида иборат. Автомобилнинг максимал тезлиги — 64 км/с.

«БелАЗ 75600»ни юргизишда ҳам юкни ағдариш механизми, тормоз системаси ва рул бошқарувини бирлаштирган гидротизимдан фойдаланилади. Бу ишларнинг барчаси аксиаль-поршенли икки секцияли насоснинг ўзгарувчан маҳсулдорлигини таъминлайди. Гидравлик тизимнинг умумий ҳажми 600 литр(мой)га, ишчи контурдаги босим 165 атмосфера бирлигига тенг. «БелАЗ»нинг рул бошқаруви авария ҳолатлари юк берса, автоматик тарзда қулфланади ва двигател ўчади.

2-ўрин: «Caterpillar 797B»

Унинг умумий вази қариб 624 тоннадан ортади. Бортига

ридан бирдир. У бортига керагидан ортқ тоғ жинслари ортисла ҳам «миқ этмай» кўтариб кетаверади.

Марказий блок ташқи шартшароитга боғлиқ юзлаб параметрларни назорат қилади, двигателнинг ишлаши, трансмиссия ва тормоз тизимини соэлаб туради. Юк ортилган ҳолда жойдан кўзгалганда ёки тепаликка тирмашаётганда, моторнинг айланиши бир неча сония давомиде 22 фоизга ортади. Максимал тезлиги 68 км/с. Машинани тўхтаётганда гилдиракларни бирдан қулфлаш мумкин эмас, акс ҳолда у сирганиб кетиши ва фалокат юз бериши ҳеч гап эмас.

Айтиш керакки, ажайиб хусусиятларга эга «Катерпилл»нинг энг кўп эътибор талаб этадиган жиҳати тўхтатиб олишдир. Агар ушбу фирма рақобатчилари тўхтатиш тизимини яратишда асосий юкларни электродинамик тормозга қаратган бўлса, бунда ҳамма ишни гидравлик тормоз бажарди. Табиийки, у одатий автомобиллардек тормоз педалини босиш билан тўхтамайди. Балки унинг тўхташ майдон 33 квадрат метрни ташкил этади.


1-ўрин: «Liebherr-T282B»

Уни илк бор Германияда ўтказилган кўргазмада томоша қилган харидорлар «Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси» дея эътироф этишган. У 363 тонна юкни «орқалаб» манзилга эл-

2014-yil 15-oktabr, № 83 (8732)

**АСАБ
ХУЖАЙРАЛАРИ
ҚАЙТА ТИКЛНАДИ**

Швециянинг Лунд университети тадқиқотчилари инсултни бошдан кечирган инсонларда асаб хужайралари қайта тикланишининг аввал маълум бўлмаган механизмларини тадқиқ этишди. Ушбу механизм нейроглия (ёрдамчи асаб тўқимаси хужайралари)нинг бир тури ҳисобланган астроцитлар билан боғлиқ.



Маълумки, ишемик инсулт (ёки мия инфаркти) ҳасталиги бош миёда қон айланишининг бузилиши оқибатида келиб чиқади ва натижада мия тўқималарининг шикастланишига олиб келади. Бунда қон миянинг қайси соҳасига бора олмаса, ўша қисмда кислород танқислиги вужудга келиб, асаб хужайралари нобуд бўла бошлайди ва ўз вазифасини бажара олмайди.

"Science" журналида эълон қилинишича, асаб хужайраларининг қайта тиклиши жараёни сичконлар устида ўтказилган тажрибалар мобайнида аниқланди. Кемирувчилар қонига сунъий инсулин юборган тадқиқотчилар шикастланган қисмлардаги астроцитларнинг асаб хужайраларига айланишига гувоҳ бўлишди.

Қайд этилишича, хужайраларнинг ўзаро бирикувини назорат қилувчи Notch1 (Notch homolog 1) деб номланган алоқа тармоғи астроцитларнинг нейронларга айланишини таъминлаган. Соғлом организмларда эса мазкур махсус механизм миёдаги турли ўзгаришларни тўхтайти туради.

Тадқиқот натижалари келгусида турли асаб ҳасталиклари, жумладан, Паркинсон, тутқаноқ ёки бош мия жароҳатларини даволашда қўл келиши кутилмоқда.

**ТАЪЛИМДАГИ МУВАФФАҚИЯТДА
ИРСИЯТНИНГ ЎРНИ**

Британия ва россиялик олимлар ўқувчиларнинг таълим олишдаги муваффақиятлари ирсият билан ҳам боғлиқ эканини илмий жиҳатдан асослаб беришди. Британиялик эгизаклар устида олиб берилган кенг миқёсдаги изланишлар натижаси "PNAS" журналида эълон қилинди.

Олимлар 16 йил давомида 13 мингдан зиёд эгизак ўқувчиларнинг битирув имтихони натижаларидаги индивидуал хилма-хиллик сабабларини асосан ирсий фарқлар билан изоҳлаган. Унга кўра, ўқувчи мижози, интилувчанлиги (мотивация) ва эмоционал хулқ-атвори сингари ирсий омиллар мактабда ҳам муваффақиятга эришишига хизмат қилади.



Маълум бўлишича, 16 ёшли ўқувчилар умумий интеллектдаги индивидуал хилма-хилликнинг қарийб 60 фоизи айнан ирсий ўзига хослик билан изоҳланган. Қизиқарли томони шундаки, тахминан худди шунча фоиз ирсий хилма-хиллик мактабдаги муваффақиятларга асос бўлар экан. Шунингдек, мазкур ирсий омилларнинг фақатгина ярми бевосита ақлий салоҳиятга таъсир кўрсатувчи генларни ўз ичига олади. Қолган ярми эса интилувчанлик, шахсий хулқ-атвор билан боғлиқ.

Олимлар фикрича, таълим жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи биологик, ижтимоий ва маданий омилларни чуқурроқ anglash таълимда индивидуал ёндашиш имкониятларини оширади. Шу орқали ўқувчиларнинг янада самаралироқ таълим олишига эришилади.

**БИР МОЛЕКУЛАДАН ТАШКИЛ
ТОПГАН МИКРОФОН**


Биз зшитаётган овозлар маълум бўшлиқни босиб ўтиб, қулоқларимизга етиб келган товуш тебранишларидир. Шу каби тўлқинларни тутишда шведиялик олимлар «dibenzoterrylene» (DBT) деб аталган бир молекулани моддадан фойдаланиб кўришди. Тадқиқот натижалари «Gizmodo» интернет манбасида эълон қилинди.

Ушбу молекулдан микрофон ўрнида фойдаланиш мақсадида мутахассислар уни рангсиз антрацен кристаллига жойлаштиришди. Овоз тўлқинлари кристалга таъсир қилар экан, барча тебранишлар DBT молекуласига



хам кўчди. Натижада у ҳам тебранишни бошлади. Мутахассислар молекуладаги спектрал ўзгаришларни лазер нури ёрдамида ўлчаб, овоз частоталарини аниқлаб олишнинг уддасидан чиқишди.

Лойиҳа муаллифларининг қайд этишича, бундай ускуна кундалик ҳаётда унчалик катта қизиқишларга сабаб бўлмаслиги мумкин. Бироқ янги супер кичик микрофон квант тизимлар устида изланиши олиб бораётган



физик олимлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур технология паст ҳароратдаги махсус шароитдагина ишлаши мумкин. Олимлар бир молекулали микрофонни янада такомиллаштириш устида иш олиб боришмоқда.

**ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК
ЯШАШ ЖОЙИГА ҲАМ БОҒЛИҚ**

Эксетер университетининг (Англия) тиббиёт мактаби мутахассислари инсонларнинг спорт билан шуғулланиши, пиёда юриши ва бошқа жисмоний юктамалар учун қанча вақт сарфлашига оид маълумотларни таҳлил қилиб чиқишди. Сўнгра олинган натижалар кишиларнинг истиқомат қилаётган жойига қараб тоифаларга ажратилди.

«Business Standard» нашрида қайд этилишича, мазкур изланишларга Британиянинг 180 мингдан зиёд аҳолиси қамраб олинган. Маълум бўлишича, йирик шаҳарлар атрофида яшовчи кишилар жисмоний жиҳатдан фаолроқ экан.

Мамлакат фарбида жойлашган шаҳарларда истиқомат қилувчилар спорт ва жисмоний тарбия билан кўпроқ шуғулланиши, шу боис жисмонан фаолроқ экани аниқланди. Айниқса, ўзига хос ландшафтга эга ҳудудлар аҳолиси пиёда сайр қилиш, югуриш ва сузишга жиддийроқ эътибор қаратишади.



Шифокорлар кам ҳаракат қилишга одатланган шаҳарликларни экологик жиҳатдан тоза ҳудудларда кўпроқ сайр қилиб, иложи бўлса, очик ҳавода шуғулланиш, махсус ҳавзаларда сузишга ундамоқда. Камҳаракатлик эса, барчага маълумки, қарийб барча касалликларнинг бош сабабчиларидан саналади. Жумладан, юрак-қон томир, асаб, таянч тизими ҳасталиклари, ақлий салоҳиятнинг пасайиши сингари оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

**ҚУВВАТЛАШ ҚУРИЛМАСИ
ОРТИҚЧА ВАЗН САБАБЧИСИ**

Тунда қувватлаш мосламалари индикаторидан таралаётган ёруғлик нури организмда уйку гормони ҳисобланган мелотониннинг етарлича ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Ушбу гормоннинг яна бир вазифаси қабул қилинган озиқ модда ва сувнинг организм учун зарур энергияга айлантирилишида иштирок этишдан иборат.

Гранада университети (Испания) олимлари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, тунги вақтда ётоқ жойи яқинида электрон ускуналарни қувватлаш ода-



ти аста-секинлик билан организмда моддалар алмашинувининг бузилишини келтириб чиқариб, охир-оқибатда семизлик ҳам сабабчи бўлиши мумкин. "The Independent" нашрида маълум қилинишича, қувватлаш мосламаси индикаторининг хиранури билан бирга, фонуслар шуъласи ва телевизордан таралаётган ёруғлик ҳам организмда

мелотонин ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Олимлар тунда қоп-қоронғи муҳитда ухлашни тавсия қилади. Шу ҳолатдагина мелотонин керакли даражада ишлаб чиқарилади.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



Япония соҳилларига келиб урилган «Вонгфонг» тўфони оқибатида икки киши ҳалок бўлгани, яна бир кишининг бедарак йўқолгани ва 94 нафар инсоннинг жароҳат олгани, шунингдек, табиий офат рўй берган ҳудудлардан 100 мингдан зиёд киши эвакуация қилингани ҳақида хабар берилди.

Шу вақтга қадар давоси топилмаётган «Эбола» ҳасталиги аломатлари кузатилган беморлар дунёнинг Канада, Бельгия, Польша, Испания, Германия, Чехия сингари мамлакатларида ҳам қайд этилгани, ушбу касалликдан ҳалок бўлганлар сони эса тўрт мингдан ошгани маълум қилинмоқда.

«ABC News» телеканалининг маълум қилишича, Австралиянинг Мельбурн шаҳри яқинида енгил моторли самолётнинг двигателдаги носозлик туфайли тураржой биноси устига кулаб тушиши оқибатида икки автомобилга шикаст етган, бахтли тасодиф туфайли ҳодисадан ҳеч ким жабрланмаган.

Тинч океанининг Лотин Америкасидаги Сальвадор, Коста-Рика ва Гватемала давлатлари қирғоқларидан унча узоқ бўлмаган ҳудудда рўй берган 7,4 ва 5 баллик зилзилалар сабаб цунами хавфи эълон қилинди.

Чехия шаҳарларидан бирида пичоқ билан қуролланган, гиёҳванд модда таъсирида бўлган номаълум аёл мактаб ўқувчиларига ҳужум уюштириши оқибатида 16 ёшли ўсмир ҳаётдан кўз юмгани, икки ўқувчи ва жиноятчини тутишга ҳаракат қилган тартиб посбони жароҳат олган.

«Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида кетма-кет уч маротаба рўй берган портлаш оқибатида 25 киши ҳаётдан кўз юмган, 50 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Гурун

1937 йил ёзги таътилга чиқиш кези, бир партада ўқийдиган синфдошим — Масъуда исмли қиз менга:

— Дадангиз нега Лола исмини ёмоноглиққа чиқариб, Раъно номини мақтаганлар? — деди аччиғланиб.

Мен унинг сўзига тушунолмай:

— Очикроқ айтинг, — дедим.

Масъуда биров ўзини босиқ тутиб:

— Биласизми, опамнинг исми Лола, Лола опам «Меҳробдан чаён» романида Лолани «Мола опам» йўсинда ёзилганини тушунтирди, — деди.

Мен у кезлари романнинг номини эшитган бўлсам-да, ўқиманган эдим. Даданинг хоналарида тахлоглиқ китоблар орасидан «Меҳробдан чаён» романини олиб varaқлаб, исм таърифлаш жумласини қайта-қайта ўқиб, биров тушунгандай бўлдим, сўнг синфдош қиз билан можарони дадамга сўзлаб бердим. Дадам сўзини тинглаб:

— Балки синфдошининг опаси ҳақдир, — деб кулдилар. —

Менга шахсан гули раъно исми жисмига монанд бўлгани учун Раъно номли қаҳрамонни танладим. Бунинг исботи — ўзинг кўриб турган боғимизда ҳар турли гуллар гунчалаш, очилиш таралдуида. Эрта-индин қийғос очилган гулларнинг ўзига хос чиройи, димоққа ургувчи ёқимли ҳиди киши дилини қанчалар хушнуд этади.

ГУЛИ РАЪНО

Мен гули раънони кўрмаганлигим учун дадамдан гулзорга ишора қилиб:

— Қайси бири гули раъно бўлади? — деб сўрадим.

Дадам:

— Бу гулнинг чиройи, ҳидини бошқа гуллар кўролмаё, ораларидан узоқлаштирган. Шу сабабли бу гул танҳо ердан жой танлаб, ўзини муҳофаза этиш учун хилват тор тепаликларга кетиб қолган, — деб тушунтирди.

Ўша кезлари қўй-сигирларни яқинимиздаги жарликда ўлатар эдик. Ўзимдан каттароқ ўртоқларимдан гули раънонинг қаерда ўсишини сўрадим. Кимдир жар

ёқасидан тепаликка ўрмалаб чиқиб қийинчилик билан беш-ўн дона очсариқ, банди майда тиканлар билан қопланган гулни олиб тушди-да, авайлаб қўлимга тутқазди. Гул ниҳоятда чиройли, сувсиз ўсгани учунми қовжирган, сертикан бандли, гули сариқ-пушти рангли, ҳиди ўткир, ёқимли эди.

Мен гулни авайлаб сақлаб, да-

дамга кўрсатдим. Дадам хурсанд бўлиб, уни сувли гулдонга солиб, бир неча кун мамнун тикилиб, ҳузурланиб юрдилар. Дадам гулга тикилиб:

— Кўрдингми, бу гулнинг ранг-баранг чиройидан кўзинг, ёқимли ҳиддан жисминг роҳатланади. Шунинг учун инсонлар фарзандларини Раъно номи билан аташади. Мендан хафаланган, ранжиган синфдошининг опасининг исми Лола экан, бу исм ҳам ўзига хос. Лола гули чиройли, кўзни қувонтиради, ўзгаларни мафтун этади, аммо нафис ҳиди сезгучга аъзоларни гули раънодай кўзгача олмайди, — дедилар.

Масъуд ҚОДИРИЙ

Мухаммад АВФИЙ

ЎҒРИЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАН КИШИ

Бир кишининг кўнглида ўғрилиқ хунарини ўрганиш ҳаваси пайдо бўлди. У доим ўғрилиқда камолга етишни орзу қилар ва ўзига устоз қидирарди. Кунлардан бир кун одамлар унга Нишопур шаҳрида ўз касбига ниҳоятда моҳир ва баркамол бир ўғри бордир, деб хабар бердилар.

У киши ўз шаҳридан чиқиб, Нишопурга борди ва устознинг уйини қидириб топди. Унга ўзини танитаркан: «Мен ўғрилиқ илмида сендан сабоқ олмоқ ва бу хунарда маҳорат оширмақ умидида келдим», деди. Устоз унга илтифот кўрсатди ва уйига олиб кириб, олдида ҳар хил таомлар қўйди. Ул киши таомга қўл узатиб ёмоқчи бўлди. Аммо устоз уни тўхтатиб: «Чап қўлинг билан таом егин», деди. У киши чап қўл билан таом ея олмади. Ниҳоят яна ўнг қўлини узатди. Устози унга деди:

— Ҳамонки, бу йўлга қадам қўйдингми, унинг шарт-шароитларига амал қилмоғинг лозим. Чунки, аввало, ўнг қўлинг баҳридан ўтмоқ керак. Зеро, сени ўғрилиқда тутсалар, шариат ҳукмига мувофиқ ўнг қўлингни кесадилар. Ўнг қўлга ўрганган одамнинг аҳволи қийин бўлади. Агар сен ҳозирдан бошлаб чап қўлда таом ейишга ўргансанг, кейинчалик ўнг қўлингни кесганларида ҳам ҳеч ранг ва машаққат кўрмайсан.

Киши устозидан бу сўзни эшитгач, ҳушёр тортиди ва ўзига ўзи: «Агар зарни кўлга киритиш тамаъида қўлни зарга алмаштириб қўлдан ажрамоқ биринчи шарт бўлса, ушбу хунардан воз кечмоқлик менинг биринчи шартим бўлсин!» деб ўғрилиқ хунаридан воз кечди.

Алишер НАВОИЙ

«АЙТУР СЎЗНИ АЙТ...»

*Бир деганини икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топди, дилкаш эмас.*

(Айтилган нарсани такрорлаш ортиқ-чадир. Такрор этилган сўз ёқимсиздир.)

Агар тилни асрамоқ

кўнгулга меҳнатдур,

Аммо сўзни сийпамоқ бошга офатдур.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

*Айтур ерда унутма, айтмас ерда
ўзунени мутакаллим тутма.*

(Зарур жойда гапир, зарурати бўлмаганда ўзининг нотиклигини намоиш қилма.)

Агар подон маҳалсиз ҳарзақим

айтур вале эштур —

Қулоққа ёқмаса, манъига

танбех айламак бўлмас.

Эшак савти Каломуллоҳда келди

анкар ул-асвот,

Анинг савтига тақрибу таҳоший

истамак бўлмас.

(Агар подон бемаҳал валдираса, қулоққа ёқмаса ҳам, насиҳат билан уни тўхтатиб бўлмайди. Каломуллоҳда эшакнинг ҳангериши дунёдаги энг ёқимсиз овоз дейилган, лекин минг ҳазар қилган билан, яқинингда экан, унинг овозидан қочиб қутулиш имконсиз.)

Агар бор эса поклик ниъати,

Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

(Агар тилни тийиш киши учун қийин бўлса-да, унга эрк бериш бошга бало келтиради.)

Donish chirog'i

*Бир сўз этиб шунча балиятни дафъ-
Ким, сочибон ганж, етишмай бу нафъ.*

*(Бир сўз шунча балоларни даф қиладики,
бир қанча молу пул сарф қилганда ҳам, у
фойдаларга эришиш қийин бўлади.)*

*Бefойда сўзни кўп айтма ва фойдалиг'
сўзни эшитурдин қайтма.*

*Бировким, ёлгон сўзни бировга боғлағай,
Ўз қора бўлган юзин ёғлағай.*

*Бўлмаса сўз, ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.*

*Бар мақаш теғи забон ҳар дам,
к-аз ин рў шамъро,*

*Сар буранд ар чи ба фарқ аз шўъла
заррин миғфар аст.*

*(Тил тигини ҳадеб тортаверма, худди шу
иши учун бошида шўъладан заррин кулоҳ
бўлса ҳам, ҳар кеча шамнинг бошини кеса-
дилар.)*

*Бермас тавил чун суҳандон сўза,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўза,
Кўп айб топар кимса фаровон сўза,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўза.*

*(Сўз қадрини билган уни узоқ чўзмайди,
имкони борича сўзни қисқа қил, чунки сўз
қанча чўзилса, камчилиги ҳам шунча кўп
бўлади, одамлар кўп сўздан кўп айб топа-
дилар.)*

Олиб қочар кун

Афанди бозордан гўшт олиб келаётган эди, қўлидаги гўштни ит олиб қочди. Афанди: «Энди хотинимга нима жавоб бераман», деб боши қотиб турган эди, бир одам гўшт кўтариб келаётганини кўрди. Афанди пойлаб бориб, унинг қўлидаги гўштни олиб қочди.

Гўшт эгаси Афанди кетидан бақирди:

— Хо Афандим, ҳазил кетмайди, ўзим зўрга олдим...

Афанди унга деди:

— Бу ҳазил эмас, бугун олиб қочар кун...

Сув бошидан лойқа

Бузоқ ечилиб кетиб, тутқич бермай, шаталоқ отиб, ҳовлини бесаранжом қилиб юборган эди. Афанди бориб, боғловда турган сигирни калтаклай бошлади.

Афандининг хотини унинг қўлидан калтакни тортиб олиб деди:

— Кап-катта одам, эсингиз кирмади. Экинларни пайхон қилган бузоғ-у, сигир бечорани нега урасиз?!

— Сув бошидан лойқа! Болага тарбия беролмаган, ялаб-юлкаб, эркатой қилиб ўстирган шу! Айб бузоқда эмас, ҳамма айб — онасида, — деди Афанди.

Ўз фойдасини билмаган ҳайвон

Афанди денгиз ёқасида кемасозларнинг кема чокларига мум эритиб суркаётганини кўриб, сўради:

— Кемага мум суртиб, ўтга тоблашинг ҳикмати нимада?

— Мум суртилса, аввало, кемага сув кирмайди, иккинчидан, кема силлиқлашиб, тезюрар бўлади.

Афанди бунини кўнглига туғиб қўйган эди, сафардан қайтиб келгач, мум эритиб эша-

Latifalar

гига суртди. Эшак бунисига кўнган бўлса ҳам, тагида ёқилган ўтга чидамай, шатта отиб, ўзини ҳар томонга урди.

Афанди эшакка қўлини паҳса қилиб деди:

— Эҳ, ўз фойдасини билмаган ҳайвон!

Ноилонинг гапи

Афанди янги тиктирган гарчли бедона кавушини кийиб, ҳар қадамда гарчидан завқланиб, боғ сайлига кетаётган эди, йўлда бир тезоқар ариқдан сакраб ўтаман деганида кавушининг бир пойи ариққа тушиб, оқиб кетди.

Афанди кавушининг бу пойини ҳам олиб, этаги билан чангини арди ва унга қараб деди:

— Шеринг торлигидан товонимни гажиб келаётган эди, аммо зап иш бўлди. Мана энди ҳузур қилиб, оёқяланг юра бераман, сен уйда мазза қилиб турасан...

Пичоқ учи

Афанди ўтиб кетаётса, икки бола ёнғоқ талашиб, жиққа мушт бўлаётти. Афанди икковини ажратиб, ёнғоқни олди, пичоқ билан икки паллага ажратиб, икки палла пўчоқни иккаласига берди, мағзини оғизга солиб:

— Бу сизларни муросага келтирганим учун пичоқ учи, — деди.

Уйқумни ахтариб юрибман

Афанди ярим кечада ўзи ёлғиз кўчада изғиб юрган эди, миршаб келиб, маҳкам ушлади:

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?

— Уйқум қочди, — деди Афанди. — Уйқумни қидириб юрибман.

2014-yil 15-oktabr, № 83 (8732)

Ўқувчиларда кичик ёшидан соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзини олиб боришида муҳим ўрин тутувчи, ҳар жиҳатдан баркамоллигини таъминловчи бош омилардан бири, сўзсиз, спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишдир. Айниқса, мактаб ёшидаги болаларнинг қад-қомати расо, жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб улғайишларида жисмоний тарбия дарсининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда жисмоний тарбия дарсини методик ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш, умумтаълим мактабларида шароитлари замонавий талабларга мослаштириш, мураббийларнинг малакасини ошириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Хабарингиз бор, битта синфда бир пайтда бир неча фанлар бўйича ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда 2014-2015 ўқув йилида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини такомиллаштириш, илмий-методик жиҳатдан асосланганлигини таъминлаш ва тажриба-синов ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазир-

туманидаги 303-умумтаълим мактабига ташриф буюриб, у ерда жисмоний тарбия фани бўйича ўтказилаётган тажриба-синов ишлари билан қизиқдик. Аввало таъкидлаш жоизки, ушбу таълим масканида ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиб, вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Жорий ўқув йилидан мактабда янги спорт зал ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Янги таъмирдан чиққан кийиниш ва ювиниш хоналари, замонавий спорт инвентарларидан ўқувчи-

Jismoniy tarbiya

ўринни кўлга киритди. Мусобақага тайёргарлик жараёнида футболга қизиқмаган қизларнинг машғулотларда фаоллиги, анча кичиники, саломатлиги ҳам яхшиланганини пайқадим. Ҳозир қизлар коптокни мохир футболчилардек ўйнатади.

Бир, икки, уч, тўрт...
Хушманзара мактаб боғида 2-синф ўқувчилари жисмоний тарбия дарсида умумривожлантирувчи машқларни ўзгача иштиёқ билан бажаради. Мураббий дарс аввалида янги ўқув дастурига мувофиқ, бугунги мавзу — 30 метрга югуриш, машқини тўғри бажариш техникасини амалий кўрсатиб берди. Стартда туриш, стартдан чиқиш, ҳаракатлиниш техникаларини тўғри бажариш жуда муҳим эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Билимдон, қизиқувчан, эпчил, чаққон ўқувчилар диққат билан ўқитувчини кузатди. Кейин иккитадан ўқувчи 30 метрга югуриш учун старт чизигида сафланади.

ТАЖРИБА-СИНОВ ЖАРАЁНИ

Ўқитувчиларни изланишга, ўқувчиларни ҳаракатчанликка чорламоқда

лиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2014 йил 15 августда "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинган эди. Унга биноан, Республика миқёсида 70та таянч умумтаълим мактаби, 18та академик лицей ва касб-хунар коллежларида тажриба-синов ишлари бoshлаб юборилган.

Жумладан, жисмоний тарбия фани бўйича ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ҳам айни пайтда тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳусусида Республика таълим маркази жисмоний тарбия фани бош методисти Хуршид Отақулвнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Ҳозирги кунда белгиланган стандарт бўйича ҳар бир вилоятда биттадан умумтаълим мактаби таянч мактаб сифатида танлаб олинган. Жорий йилнинг 20 августига қадар экспериментатор ўқитувчиларга тақвим режа, дарс ишланмалари, назорат ва кўшимча методик материаллар тақдим этилди, дарслар Республика таълим маркази методисти ва махсус тайёрланган илмий раҳбар билан биргаликда ташкил этилмоқда. Мазкур жараёнида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг параллел синф (курс)лари жалб этилади, яъни «А» синф (гуруҳ) тажриба-синов синфи (гуруҳи), «Б» синф (гуруҳ) назорат синфи (гуруҳи) этиб белгиланади. Экспериментатор ўқитувчи ҳар чоракда тақдим этилган режа асосида ўқувчилардан назорат ишларини олиб боради. У тажриба-синов синфи ва назорат синфи қайд этган натижаларни ўзаро таққослайди. Тажриба-синов давомида мураббий ва масъул илмий раҳбар кузатилган муаммоларни биргаликда таҳлил этиб бориши белгиланган. Шу тарзда жисмоний тарбия дарсларини ўтишда бир ўқув йили давомидаги ҳулоса асосида янги ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Таъкидлаш жоизки, синовлардан кўзланган мақсад болаларда жисмоний лаёқатни кучайтириш, уларда куч, тезкорлик, чидамлик, эпчиллик, чаққонлик каби жисмоний сифатларни шакллантириш, энг муҳими, уларда ёшланидан жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни оширишдан иборат.

Тажриба-синов учун таянч таълим муассасаси этиб белгиланган Сергели



лар машғулотларда унумли фойдаланмоқда. Шахмат-шашка, стол тенниси, футбол, волейбол, англис атлетика каби спорт турлари бўйича тўғрақарак фаолияти ҳафтага икки маротаба йўлга қўйилган.

— Авваллари кўпчиликда жисмоний тарбия дарси югуриш, сакраш, ўтириб туриш мақшларидан иборат бўлган иккинчи даражали фан деган нотўғри тасаввур шаклланган. Спорт заллари совуқ, шароитлар етарли эмасди, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Музаффар Мўминов. — Бугун эса вазият буткул бошқача: ўқитувчида ҳам, ўқувчиларда ҳам жисмоний тарбияга асосий фан сифатида қараш шаклланди. Жорий йилдан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида дарс ўтишни бошладик. Синфлар кесимида иккитадан синфда тажриба-синов объекти сифатида махсус дарслар олиб борилмоқда. Қувонарлиси, ҳар бир дарсни таққослаб мутахассислар тавсиялари асосида тайёрланган дарс ишланмалари ва методик қўлланмалар асосида олиб бормоқдамиз. Жумладан, шаҳар малака ошириш институтидан бириктирилган илмий раҳбар Фахриддин Ҳўжаев ҳам керакли тавсия ва маслаҳатларини бермоқда.

Илк кузатувлардан маълум бўлдики, ўғил болалар берилган жисмоний оқламаларни аъло даражада бажаради-лар, аммо негадир, қизларнинг кўрсаткичлари пастроқ. Шу сабабли қизларни ҳам жисмоний тарбия дарсига қизиқтириш, уларни жисмонан чиниқтириш мақсадида янги усуллардан фойдаланяпмиз. Улар ўртасида мунтазам равишда эстафета ўйинлари, турли хил мусобақалар ўтказилмоқда. Яқинда 5—7-синфлардаги спортга қизиқиши бор қизлардан жамоа тусиб, футбол бўйича туманлараро мусобақада иштирок этдик. Унда қизларимиз фахрли учинчи

«Устоз мен, ҳаммадан тез югураман», дейди иккинчи синфда ўқийдиган болагон ўқувчи Самандар. «Йўқ, сендан барибир ўзиб кетаман», дейди ўз марҳумини кўрсатиб қўйишга шайланган Умиджон. Ҳаракатларида тезкорлик ва шижоат сезилиб турган болалар 6 сонияда марра чизигига етиб келиб, устозидан аъло баҳо олишди. Дарсда ўғил болалар ким эпчил-у, ким чаққонроқ эканини кўрсатиш учун ўзаро баҳслашишса, қизлар «тезроқ югур», «чаққонроқ бўлсанг-чи» дея дугонасини қўллаб турди. Болаларнинг қувончини бир кўрсангиз эди. Бир соатлик жисмоний тарбия дарсида бажарилган фаол машқлар кичиниктойларга бир олам қувонч улашди.

— Кўриб турганингиздек, тажриба-синов дарси бошлангич синф ўқувчилари томонидан яхши қабул қилинапти, уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам ижобий томонга ўзгарган. Дейлик, бугунги дарсда 30 метрга югуриш бўйича болалардан назорат иши олдим. Болалар ўтган дарсда ўтилган мавзунини яхши ўзлаштирганини, стартда тўғри туриш, стартдан чиқиш ва финиш чизигига вақтида етиб келиш техникасини тўғри ва хатосиз бажариш орқали исботлашди. Ҳувоҳи бўлганингиздек, ўқувчиларда ўтилган мавзу юзасидан керакли билим, малака ва кўникмалар шакллантирилмоқда, — дейди бошлангич синфга жисмоний тарбия фанидан сабоқ бераётган ўқитувчи Азиза Расулова.

Дарсининг қанчалик қизиқарли ўтиши, ёки ақсинча, зерикарли бўлиши бевоқифа ўқитувчига боғлиқ. Шундай экан, агар ўқитувчи ташаббускор ва изланувчан бўлса, у ўқувчиларда 45 дақиқалик қисқа фурсатда ҳам етарли ҳаётий билим ва кўникмаларни шакллантира олади.

Одина ҚУЛМУРОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ЁШЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА!

Кеча футбол бўйича Мьянмада давом этаётган ёшлар (U-19) ўртасида Осиё чемпиони чорак финалчилари номи аниқланди. Мазкур мусобақада иштирок этаётган ёшларимиз «В» гуруҳидан ўрин олган сўнгги матчи Австралия терма жамоасига қарши ўтказди.

Хабарингиз бор, Равшан Ҳайдаров шоғирдлари яқшанба куни Бирлашган Араб Амирликлари ёшларига қарши кечган муросасиз учрашувда 2:2 ҳисобида дуранга эришди. Ёшларимиз арабларга матч бошида ютказиб туриб, ирода эвазига ҳисобни тенглаштиришди. Кейин иккинчи бўлимга старт берилиши билан ташаббусни кўлга олиб олға интилишди. Кетма-кет ҳужумлардан сўнг рақиблар яна тўп ўтказиб юборишди. Аммо япониялик «сахий» ҳакам томонидан қўшиб берилган 5 дақиқа терма жамоамизни галаба ҳамда мuddатидан олдин тақдим этилишига жуда яқин қолган чорак финал йўлланмасидан маҳрум этди.

Тўғри, ёшларимиз бутун матч давомида ўйин тизгинини ўзида ушлаб туриб, рақибни ўз жарима майдончаси ичига қамаб қўйди. Аммо қулай вазиятлар яратиб шу уни муваффақиятли яқунлашда футболчиларимизга гоҳ тажриба, гоҳ омад етишмади. Шу боис ҳам австралияликларга қарши ўтадиган учрашув масъулияти икки ҳисса ошди. Гуруҳдан чиқиш учун юртдошларимиздан сўнгги турда ютказмаслик ва камиди дуранг натижага эришиш талаб этиларди. Боси БАА жамоаси индонезияликлар билан ўтадиган карама-қаршилиқларда 3 очко ишлашга бутун имкониятини сафарбар этиши муқаррар эди. Демак, 3-тур доирасидаги параллел тарзда кечувчи матчга ишониб бўлмади.

Мазкур нозик вазиятни тўғри баҳолаган ёшларимиз австралиялик бўйдор тенгқурларига қарши муносив бўлиб ўйнади. Тенгқурларга бой бўлиши аввалдан кутилган ушбу учрашувга асралган ва илк матчда майдонга туширилмаган футболчиларимиз асосий таркибда майдонга тушди. Жамшид Болтабоев, Рустам Ашурматов, Жавоҳир Сиддиқов, Бобур Давлатов ва Сарвар Каримов кучли терма жамоага қарши ажойиб ҳаракатланди. Бу албатта, ўйин натижасида ўз ақсини топди.

Забихулло Ўринбоев томонидан киритилган гол эвазига Равшан Ҳайдаров шоғирдлари австралияликлар билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, гуруҳда 5 очко билан чорак финалга чиқишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, «А» гуруҳида Таиланд ва Мьянма ёшлари кейинги босқич масаласини ҳал қилган бўлишса, «С» гуруҳида Япония ва Хитой ёшлар терма жамоаси ҳамда «D» гуруҳида Қатар ва ҚХДР чорак финал йўлланмаси соҳибига айланди. «В» гуруҳида биринчи ўрин индонезияликларни 1:4 ҳисобида энгган БАА жамоасига насиб этди.

Энди вақиларимиз ярим финал ҳамда келаси йили Янги Зеландияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпиони йўлланмаси учун Таиланд ёшларига қарши майдонга чиқади. Мазкур учрашув 17 октябрь куни ўтказилади.



CHAMPIONSHIP

Зоҳиджон ХОЛОВ



ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Навоийда "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 420 нафар иқтидор эгаси иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъодларини намоеён этиши учун шароит ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль иқтидорли ёшларни аниқлаш, ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, санъатга бўлган қизиқишини ошириш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

— Тўрт йилдан бери тоштарошлик билан шуғулланаман, — дейди нуроталик Абдурахим Рамазонов. — Бу касб инсондан мустақкам ирода, нозик дил ва катта истеъод талаб қилади. Фестивалда намойиш этилган амалий санъат йўналишидаги ишларим кўпчиликка манзур бўлганидан хурсандман.

Барча йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, фестивалнинг мамлакат босқичига йўланма берилди.

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ИМКОНИАТЛАР МАҲСУЛИ

Мусиқа қалбни тарбиялайди, яшартиради. Айниқса, болаликдан мусиқа ва санъат билан шуғулланган киши бутун умр эзгуликларга ошuftа бўлиб яшайди ва инсонларга қувонч, шодлик улашади.

Яшнобод туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим-тарбия олаётган ўғил-қизлар қалбида ҳам ана шундай эзгу ният улғаймоқда. Кенг имконият ва шарт-шароитлар — ўқув хоналари, кўркам, ҳар томонлама қулай концерт зали, компьютер симфоналари, ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

Айни пайтда 42 нафар ўқитувчи 13 йўна-

лиш — фортепиано, торли-камонли мусиқа асбоблари, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик ва хонандалик, эстрада ижрочилиги ва эстрада хонандалиги, хореография, тасвирий санъат, театр ва амалий санъат сингари бўлимларда ўқиётган 250 дан ортиқ ўқувчига мусиқа ва санъатнинг сирасорларини пухта ўргатмоқда. Таълим муассасаси ўқувчи-ёшларнинг қўлга киритаётган ютуқлари барчани қувонтиради. Муваффақиятлар ортида эса тинимсиз меҳнат ва изланиш ётибди.

Суратларда: таълим муассасаси ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1024. Tiraj 39275.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4416



9 772010 441009

«Ma'rifat»-dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Hamza ABDULLAYEV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 21.50 Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5